АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 11 ИЮН сешанба № 23 (279) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 6-7 июнь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган саммитида иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ўтган йилнинг июнь ойида асос солинган эди. Ўшангача "Шанхай бешлиги" деб аталиб келган бу тузилма Ўзбекистон қўшилиши билан ўз фаолияти қамровини кенгайтирди.

Санкт-Петербург саммитида ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусига мўлжалланган режалар муҳокама этилди. Табиийки, бу саммитнинг асосий натижаси ташкилотнинг Хартияси қабул қилинганидир. У халқаро муносабатлар тизимида пайдо бўлган янги ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди. Хартия имзоланиши билан ШҲТ доирасидаги ташкилий-ҳуқуқий ишлар ниҳоясига етказилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузишдан кўзланган асосий мақсад қўшни мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, уларнинг хавфсизлик соҳасида, иқтисодий ва ижтимоий жабҳалардаги ҳамкорлиги равнақ топиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва янги имкониятлар очишдан иборат эди. Бугунги кунда ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларини хавфсизлик ва иқтисодий масалалар ташкил этмоқда. Зотан, бу икки омил бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Хавфсизлик масаласини оладиган бўлсак, ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият бу борада янгича ёндашувга эҳтиёж сезаётганини илғаш қийин эмас. Бу ёндашув ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига таяниши керак. ШҲТ ана шундай ёндашув, хавфсизликнинг янги концепциясини юзага келтирди, десак, янглишмаймиз. Ўтган йили 15 июн куни имзоланган террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси қаторига Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги битим қўшилди.

ШҲТ тузилганига энди бир йил бўлди. Лекин бу вақт давомида дунё кескин ўзгаришларни бошдан кечирди. Хавфсизликни таъминлаш учун барча давлатлар ҳамжиҳат ҳаракат қилиши лозимлиги бутун дунёда эътироф этилди. Лекин бу ҳамкорлик фақат ҳарбийлашган соҳалар бўйича қарор топтирилса, кутилган натижага эришиш қийин. Дунё мамлакатлари кенг кўламли ҳамкорликни вужудга келтириши керак. Қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчилик, айирмачилик каби очиқ иллатлар қаторида, қашшоқлик, ишсизлик, саводсизлик, ирқий, этник ва диний камситишлар сингари баъзида кўзга яққол ташланмайдиган муаммоларга қарши ҳам курашиш лозим. Зеро, хавфсизликка таҳдид айни шундай муаммолар негизида пайдо бўлади. Ишсиз, қашшоқ, дунёқараши ва тафаккур доираси тор бўлган одамларгина ўзгаларнинг мақрига осон илинади. Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, террор ва зўравонликнинг ижтимоий асосларини бартараф қилмоқ лозим.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигини мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга келишиб олди. Саммит қатнашчилари террор ва зўравонликнинг олдини олиш учун қиғир йўллар билан топилган пулларнинг қонунийлаштирилишига қарши курашиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов хавфсизлик масаласига тўхталар экан, бу борада Афғонистондаги вазият муҳим ўрин тутишини таъкидлади. У ердаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етган бўлса-да, ҳали вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш қийин. Мамлакатда кўп миқдорда қурол-яроғ тўпланиб қолган. У яна бошқа одамлар қўлига тушмаслиги учун ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўнглаш лозим. Бунинг учун кенг кўламли хорижий ёрдам керак бўлади. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, одамларни иш билан таъминлаш ва шу орқали тинч ҳаётга қайтариш учун ҳали анча вақт ва кўп меҳнат талаб қилинади. Марказий Осиёнинг хавфсизлиги бевосита Афғонистондаги вазиятга боғлиқ бўлгани сабабли, ШҲТ аъзолари бу мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий тикланиш жараёнларига кўрсатилаётган ёрдамни янада кўпайтириш борасида бир-бири билан ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олди.

Ислом Каримов ШҲТ фаолиятига аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама рағбатлантириш асосий вазифалардан бири бўлиши лозимлигини таъкидлади. Савдо ривожланиши ва сармоя фаол ҳаракатда бўлиши учун қулай шарт-шароит яратиш, кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқиш борасидаги мулоқотларни кўпайтириш зарурлигини қайд этди. Саммит қатнашчилари транспорт коммуникациялари ва энергетика иншоотларини барпо этиш, сувдан фойдаланиш, энергия захираларини қазиб олиш ва ташишга оид масалаларни муҳокама қилар экан, ушбу соҳалар бўйича истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда белгилаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдали бўлишини таъкидлади.

Учрашувлар давомида қайд этилганидек, хавфсизлик ва савдо-иқтисодий масалалардаги ҳамкорлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Хавфсизлик борасидаги алоқалар иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантирса, иқтисодий ҳамкорлик хавфсизлик борасидаги алоқаларни рағбатлантиради.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосини савдо-иқтисодий алоқалар ташкил этади. Товарлар, хизматлар ҳамда сармоя оқими фаол бўлган мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланади. Бу эса, муайян минтақада барқарор хавфсизлик таъминланишига олиб келади. Иккинчи томондан, хавфсизлик борасида яқин ҳамкорлик қилувчи мамлакатлар бир-бирининг ҳудудидаги вазиятни яхши билади ва иқтисодий соҳада ҳам, аввало, бир-бири билан шериклик қилишни афзал топади. Бинобарин, бугун ШҲТ минтақасини, стратегик нуқтаи назардан, улкан хавфсизлик зонаси ва иқтисодий интеграция ривожи учун катта имкониятлар мавжуд бўлган макон, деб аташ мумкин.

Яна бир муҳим жиҳатни қайд этиб ўтиш даркор. Санкт-Петербург саммитида давлат раҳбарларининг Декларациясига ҳам имзо чекилди. Унда ШҲТ ҳарбий блок ёки ёпиқ алянс эмаслиги, бошқа мамлакат ё давлатлар гуруҳига қарши қўйилмагани алоҳида банд билан қайд этилди. ШҲТ бошқа ташкилотлар ва мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос ҳолда, кенг кўламли ҳамкорлик қилиши, янги аъзолар ҳисобига сафини кенгайтириши мумкин. Яъни, у халқаро муносабатлар тизимида демократия, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган ҳолда иш юритади. Шу боис ҳозирданоқ айрим давлатлар ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини маъқул топиб, унга қўшилиш истагини билдирмоқда.

Шунингдек, Декларацияда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзолари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаши ҳам алоҳида қайд этилган. Бу эса мамлакатимиз раҳбарияти юритаётган тинчликпарвар сиёсатнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг афзалликлари бу билан тугамайди. У чегарадош ҳудудларда вазиятни барқарорлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бой тажрибага эга. Глобаллашув жараёни фаоллашиб бораётган бугунги кунда эса, кенг кўламли халқаро ҳамкорликсиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш мушкул. Давлатлар қўшни танламайди. Демак, қўшилар билан келишиб, ҳамжиҳатликда иш юритиш лозим. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ана шу инкор этиб бўлмас ҳақиқатни рўёбга чиқармоқда.

Санкт-Петербургда Президент Ислом Каримов Россия, Хитой ва Тожикистон раҳбарлари билан учрашди.

Маълумки, Россия Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шериги саналади. Мамлакатимиз ташқи савдосида Россиянинг улуши 23 фоизни ташкил қилади. Владимир Путин билан бўлган учрашувда икки томонлама савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларига етаётгани мамнуният билан таъкидланди, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

ХХР раиси Цзян Цзэмин билан ўтказилган мулоқотнинг асосий мавзуини ҳам савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалалар ташкил этди. Томонлар транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Каримовнинг Имомали Раҳмонов билан музокараларида Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик, Афғонистондаги вазият ҳамда Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, Санкт-Петербургда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳуқуқий асоси дунё юзини кўрди. Таъкидламоқ жоизки, учрашувларда Ислом Каримов "Шанхай жараёни", Цзян Цзэмин эса "Шанхай бурчи" деган янги атамаларни тилга олди. Бу аъзо мамлакатлар ташкилотни ҳар томонлама ривожлантиришга қатъий бел боғлаганидан дарак беради.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент — Санкт-Петербург — Тошкент



Ватан сарҳадлари

Adliya tizimi

НАМАНГАН

2002 йил апрел ойида вилоят Адлия бошқармасига Уйчи туманидаги "Ансор" фермер хўжалиги ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб, ариза билан мурожаат этди. Ушбу ариза бошқарманинг хўжалик юритувчи субъектлар ва шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлимлари томонидан атроф-лича ўрганиб чиқилганда, 2001 йил 27 июн куни мазкур фермер хўжалиги "Ўзкартошка" фирмасининг "Наманганкартошка" бўлинмаси билан 2001 йилда фермер хўжалигига ҳар бир килограмми 140 сўмдан 20.000 кг. 2.800.000 сўмлик уруғлик картошка етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилганини аниқланди.

Фермер хўжалиги мазкур шартнома асосида уруғлик картошка олиш учун 2001 йил 29 июн куни 37-сонли тўлов топшириқномаси билан олдиндан тўланиши лозим бўлган 15 фоизли 420.000 сўм маблағни "Наманганкартошка" бўлинмасига ўтказиб берган. Аммо "Наманганкартошка" бўлинмаси фермер хўжалигига, бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай, 2002 йил 18 май кунига қадар шартномада кўрсатилган маҳсулотни етказиб бермаган ёки тўланган маблағни қайтариш чорасини кўрмаган. Бу билан "Наманганкартошка" бўлинмаси шартнома талабларини қўпол равишда бузиб, фермер хўжалигига катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказган. Фермер хўжалиги ва "Наманганкартошка" бўлинмаси ўртасида тузилган шартноманинг 7.1-бандида "Ушбу шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф иккинчи тарафга шартнома қийматининг 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди", деб белгиланган. Мазкур ҳолатлар юзасидан Наманган вилоят Адлия бошқармаси фермер хўжалиги манфаатини ҳимоя қилиб, шартнома қийматининг 10 фоизи — 280.000 сўм жарима ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритди. "Наманганкартошка" бўлинмаси фермер хўжалигига маҳсулотни етказиб бермагани оқибатида хўжалик 1 гектар ер майдонига картошка эколмаган, бунинг натижасида 1 га ер майдонидан олиниши лозим бўлган ўртача 15 тонна картошка ҳосилини бой бериб, 1.500.000 сўм моддий зарар ҳамда фермер хўжалиги раҳбари ўз ҳақларини ундириб олиш мақсадида бир неча марта қарздор ташкилотга бориб мурожаат қилишига қарамай ўз ҳақини ундириб ололмасдан сарсон бўлиб, 100.000 сўм миқдорида маънавий зарар кўрган. Шу сабабли фермер хўжалиги 2002 йил 20 май куни жами 3.300.000 сўм моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Кўриниб турибдики, айрим корхона раҳбарлари томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишига эътиборсизлик билан қараш хўжаликларни молиявий ночор аҳволга олиб келиниши ва жиддий зарар етказилишига сабаб бўлмоқда.

ХОРАЗМ

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан ўтказилган "Диний экстремизм ва ақидапарастлик, халқаро террорчилик ва гиёҳвандликнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда унинг жамият тараққиётига таҳдиди" мавзусидаги тадбирий-анжуман май ойида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилди.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида вилоят адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинган 85 та масжид, 3 та черков фаолият кўрсатаяпти. Ваҳоланки, шўролар ҳукмронлиги йилларида вилоятда атиги битта масжид мавжуд эди, холос. Бугунги кунда диний эътиқод ва виждон эркинлигига кенг йўл очилган экан, бундан ҳеч ким ўзбошимчалик, омманинг ғурури, қадр-қимматини топташ мақсадида фойдаланмаслиги зарур. Шунинг баробарида терроризм, ақидапарастлик ва гиёҳвандлик йўллари тўсилаётган ҳозирги даврда ҳушёрликни қўлдан бермаслик, турли хил иллатларга қарши муросасиз кураш олиб бориш даркор.

Адлия бошқармаси ва вилоят маърифат тарғиботи бўлими дастурига мувофиқ барча шаҳар ва туманларда ўтказилган амалий анжуманлар асосан ана шу мавзуларга бағишланди. Анжуманда сўзга чиққан диний ташкилот вакиллари, фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ва фаоллар бу масалада марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкор ва ҳамфикр эканликларини, давлатимиз юргизаётган сиёсатни якдил маъқуллашларини баён этдилар.

Адлия бошқармаси ташкилотчилигида ўтказилган мазкур анжуманларда туман ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар идоралари раҳбарлари ва масъул ходимлари турли мавзудаги маърузалар билан қатнашдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

* * *

Франциянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Жак Анре Костиль Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

* * *

Самарқандда Имом Бухорий ва Германиянинг Фридрих Эберт номидаги халқаро жамғармалари ҳамда Тошкент Ислом университети томонидан ташкил этилган "Ислом ва дунёвий-маърифий давлат" мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман иштирокчиларига Президент Ислом Каримов самимий табрик мактубини йўллади.

* * *

Тошкентда НАТО илмий қўмитасининг кўчма йиғилиши ва Марказий Осиё минтақавий илмий-техникавий муаммоларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

* * *

Республика Марказий банки мутахассислари ва Олий хўжалик суди судьялари иштирокида ўтказилган тадбирда тижорат банклари билан кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасидаги муносабатларни қонунчилик ва суд амалиёти таҳлиллари асосида бозор талабларига мос равишда ташкил этиш, уни такомиллаштириш муаммолари муҳокама этилди

* * *

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳафтада икки марта Тошкент — Токио — Осака — Тошкент қатновини йўлга қўйди.

Islohotlar jarayoni

ЧЕК ТИЗИМИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли соҳада ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектларни молиявий соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар уларнинг эркин фаолият юритишларига йўл очди.

Таъкидлаш керакки, бундан тўрт йил муқаддам қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ер Кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунлар ҳамда «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги Президент Фармони ва бошқа қарорлар шулар жумласидандир.

Бу борада 1998 йилнинг июл ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор айниқса муҳим аҳамият касб этди. Чунки айнан шу қарор асосида хўжаликлар билан тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги муносабатлар ва ҳисоб-китоблар тизими тубдан ўзгарди. Мулк шаклидан қатъи назар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида молия-ҳисоб марказлари ташкил этилиб, харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг чек тизими асосида иш олиб борилмоқда.

Чек дафтарчасини пудратчи доимо ўзида сақлаши, ҳисоб-китобларни ўзи юритиши лозим. Бундан кўзланган мақсад, пудратчи ўз маблағини ўзи эркин тасарруф этиб, эҳтиёжи учун зарурий ашёларни мустақил сотиб олади. Буларнинг ҳаммаси чек дафтарида акс этади. Бу жараённинг афзаллиги шундаки, бир пайтлар одат тусига кирган маҳсулот етиштирувчининг устидан бир неча киши назорат қилиб, ҳатто унинг ҳисобига қўшиб ёзиб, ҳақидан уриб қолиш ҳолатларига барҳам беради. Шу билан бирга хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш асосида оила пудрати ва ички хўжалик механизмини жорий қилишдан иборат.

Айтиш жоизки, қишлоқ хўжалигимизда бу тизимнинг амалга киритилиши ўз афзалликларини кўрсата бошлади. Ўз ҳуқуқини таниган деҳқонларимиз чекнинг моҳиятини тўғри англаб, ўз ҳақларини бировнинг қўлига бериб қўймаяптилар. Лекин шу билан бирга бу борада ҳали ечимини кутаётган жиддий муаммолар ҳам мавжуд.

Ўрганишларимиз шуни кўрсатятики, айрим ширкат хўжаликларида чек дафтарчаларининг юритилиши тасдиқланган маъёрий ҳужжатларга зид равишда амалга оширилмоқда.

Айрим ширкат хўжаликларда чек дафтарчалари оила пудратчиларига тўлиқ тарқатилмасдан, иш юритиш эски усулларда олиб борилмоқда. Пудратчилар устидан «назорат» сақланиб, бош пудратчи, бригадир, ҳисобчи каби штатлари ҳануз қисқартирилмаган. Сақланиб келинаётган ушбу штатларга ҳар ойда ноқонуний равишда пудратчилар ҳисобидан иш ҳақлари тўланиши давом этмоқда. Мисол учун ўтган йили биргина Сирдарё вилоятининг Оқ олтин туманидаги «Фарғона» ширкат хўжалигида бундай лавозимларда ишловчиларга бир йилда 5,5 миллионга яқин иш ҳақи тўланган.

Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, Тошкент вилоятида чек тизимини жорий этиш, ишни оила пудрати асосида ташкил этишда ширкат хўжаликлари томонидан айрим қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйиш давом этмоқда. Чиноз туманидаги «Чиноз» ширкат хўжалигида минерал ўғит тақсимлаш борасида айрим чек дафтарлари пудратчилар томонидан эмас, балки бош пудратчи Р.Отажонов томонидан тўлдириб борилган. Ҳамда улар хўжалик молия-ҳисоб марказида сақланган. Шу тумандаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида жорий йил ҳосилини етиштириш бўйича пудратчиларга йил давомида берилиши лозим бўлган иш ҳақи миқдори аллақачон белгилаб берилиши лозим бўлса-да, ҳамон пайсалга солинаётир. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигида эса бригада бошлиғи ва унинг ёрдамчиси лавозимлари ҳамон мавжуд бўлиб, ишларни оила пудрати асосида ташкил этиш ҳамда оила пудрати шартномаларининг ижроси устидан назорат олиб бориш ишлари шу ходимлар воситачилигида амалга ошириб келинган. Бу қоидалар қанчалик ноқонуний бўлса-да, жорий йил пахта хом ашёси етиштириб бериш учун тузилган 398 та оила пудрати шартномаларида ҳам расмийлаштирилган.

Самарқанд вилоятида ҳам бу борада масъул ходимлар малакасини ошириш бўйича адлия идораларининг мутахассислари қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларини тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бораётганига қарамай, юқоридаги каби хато ва камчиликларга ҳали тўлиқ барҳам берилганича йўқ.

Сурхондарёда вилоятдаги мавжуд ширкат ва жамоа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш юзасидан тузилган оила пудрати шартномалари асосида пудратчиларни материал-техник ресурслар, маҳсулот учун аванс ва бошқа тўловларни чек усулида амалга оширишда қатор камчилик ва нуқсонларга дуч келиш мумкин.

Жумладан, Музработ туманидаги «Бешқўтон» ширкат хўжалигида оилавий пудратчилар билан суҳбат ўтказилганда, уларнинг кўпчилигига ширкат хўжалиги томонидан чек дафтарчалари тарқатилмаганлиги маълум бўлди. Бундай пудратчилар молиявий ҳисоб маркази билан юк хатлари, ведомостлар орқали ҳисоб-китоб қилишмоқда. Маълум бўлишича, улар чек дафтарчаларини ҳисобчилар имзо қўйдириш учун олиб келишгандагина кўришади.

Шунингдек, Ангор туманидаги «Э.Менглиев», «Ўзбекистон Мустақиллиги 10 йиллиги» ширкат хўжаликларида ҳам оила пудрати бошлиқларига шахсий ҳисоб варақлари очилмаган, чек дафтарлари хўжаликда сақланиб келинган.

Наманган вилояти Наманган туманидаги «Шербулоқ» ширкат хўжалигида эса чек усули умуман жорий этилмаган. Бундай хато ва камчиликларни республикамизнинг бошқа вилоятларидаги хўжаликларда ҳам учратиш мумкин.

Аниқланган бу каби қонунбузарликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида бугунги кунда адлия идоралари томонидан бу борада масъул ходимларга тақдимомалар киритиляпти. Натижада чек дафтарчаларини олмаган оилавий пудратчиларнинг ҳуқуқлари тикланиб, айбдорларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, чек тизимининг жорий этилиши меҳнаткаш манфаатига хизмат қилар экан, бободеҳқонларимиз унинг мазмун-моҳиятини тушуниб, ўз эгалик ҳуқуқини талаб қилишни ўрганишса, нур устига аъло нур бўларди.

Шерали МАҲМУДОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Mushohada

ИНСОН ТАҚДИРИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни жадаллик билан давом этмоқда. Шу боис, айниқса, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Том маънода янги миллий қонунчиликнинг вужудга келгани, жаҳон андозаларига мос келувчи қонунларнинг тизими яратилгани, суд ҳокимиятининг кучли фаолият юрита бошлагани, бошқарув ва назорат тизимида фуқаролик фаолиятига ваколатларнинг берилаётгани ва қонунчилик тизимида эркинлаштириш амалиётининг жорий этилиши ана шундай ислоҳотлар самарасидир. Қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларимиз манфаатини ҳимоя қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Лекин шоли қурмаксиз бўлмаганидек, бу соҳада ҳам айрим ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўйишга уринаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Бундай кимсалар ножўя хатти-ҳаракатлари билан баъзи ҳолларда соҳа ва ҳамкасблари шаънига доғ туширади. Энг ёмони, бундайлар туфайли кимларнингдир қалбида қонун ва адолат тамойилларига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Мазкур мулоҳазаларни алоҳида таъкидлашимиз бежиз эмас. Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Навоий вилоятининг навбатдаги сессиясида Президентимиз бу ҳақда тўхталиб, шундай деди: **"Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, жиноятчиликка қарши курашиши лозим бўлган одамларнинг ўзи шундай жирканч ишларга қўл урса, бунга қандай тоқат қилиш мумкин?"**.

Ҳақиқатан ҳам, амалиётда баъзан учрайдиган бундай ноҳуш ҳолатлар кишини ўйлантиради.

Яқинда таҳririятга Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Тўлқин Эрназаровдан шикоят хати келди. Шикоят хатининг қисқача тафсилоти қуйидагича: 1997 йили шу ерлик фуқаро Ғулноза Хидирова туман прокуратурасига шикоят хати билан мурожаат этади. Шикоят хатида "Сурхон" ширкат хўжалигида участка нозири бўлиб ишлаган Чори Курбонов 7 декабр куни уни хизмат хонасига қамаб қўйгани ва кеч тушгач, мажбурлаб шаънини топтагани баён этилган эди. Мазкур шикоят хати асосида туман прокуратураси терговчиси А. Раҳмонов тергов ҳаракатларини бошлайди. У воқеа содир бўлган жойларни кўздан кечириб, бу ҳақда тегишли далолатномалар тузади ва жабрланувчини экспертизага юборади. Экспертизада Г. Хидированинг қизлик иффати бутунлиги маълум бўлади. Шундан сўнг терговчи гумондорнинг ҳамкасблари бўлмиш Тўлқин Эрназаров ва Асқар Бегматовни гувоҳ тариқасида сўроқ қилади ва Чори Курбоновга нисбатан жиноят иши қўзғатишнинг рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Бироқ бу қарордан норози бўлган Ғулноза Хидирова ва унинг отаси Норқул Хидиров вилоят ҳамда республика миқёсидаги турли нуфузли идораларга кетма-кет шикоят хатлари жўнатишади. Шундан сўнг, туман прокуратураси Чори Курбоновга нисбатан яна тергов ҳаракатларини бошлайди. Олдин гувоҳлик берганлар яна қайта сўроқ қилинади.

(Давоми учинчи бетда)

Ajab savdolar

ДОРИХОНАМИ, ДЎКОНМИ?

Сурхон воҳасининг Шўрчи тумани марказида жойлашган деҳқон бозорида ҳамиша одам гавжум. Чунки бу ерда истаган нарсани топиш мумкин. Бунга яқинда ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Бозорни оралаганимизда дарвозанинг ўнг тарафида қаторасига жойлашган "қўлбола" дорихоналарга кўзимиз тушди. Шундоқ стол ва хонтахталар устига ёйиб қўйилган сон-саноқсиз дориларни кўриб, очиғи ҳайратдан ёқа ушладик. Қизиқишимиз ғоят ортгани боис дорихоналарнинг бирига бош суқдик. Каталакдек кичкинагина хонада дори сотаётган сотувчи ўзини Зулфин Эргашева, деб таништирди. Дорихона талабларига мутлақо жавоб бермайдиган ҳолатда савдо қилаётган сотувчининг ақалли дори-дармонларни сотиш учун махсус рухсатномаси бордир, деган ҳаёлда унга савол бердик.

— Ҳозирча рухсатнома олганим йўқ. Лекин ҳокимият томонидан берилган вақтинчалик ҳужжатларим бор, — деб жавоб берди сотувчи бепарвогина.

— Махсус рухсатнома бўлмаса, савдо қилишга ҳақингиз йўқ-ку?

— Энди оламиз-да...

Шу пайт шундоқ ёнимизда шовқин-сурон кўтарилди. Суриштирсак, бизга ҳамроҳлик қилаётган масъул ходимлар очиқ растага ёйиб қўйилган дори воситаларининг айримларини текшириш учун олишмоқчи бўлганда, сотувчи уларга қаршилик кўрсатган экан.

Сотувчи жувон шу қадар ғазабланган эканки, бизга кўзи тушгач, қўлимиздаги қоғозни тортиб олиб, шартта йиртиб ташлади. «Менда ҳеч қандай ҳужжат-пужжат йўқ. Бу ердагиларнинг ҳаммасининг ўз "суянчиғи" бор. Бугун ёпилса, эртага очилади. Бозор шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади», дея бобиллаб берган сотувчининг айтишича, у бозорнинг ёзилмаган қоидаларига риоя этар экан.

Дарҳақиқат, шу йилнинг 16 май куни Шўрчи туман суд ижрочиси А. Тожиев ва туман давлат солиқ инспекцияси ходими Ш. Мавлонов холислар М. Бўриев, Ж. Жумаев иштирокида туман судининг 2002 йил 14 март куни чиқарган қарорига асосан Зулфин Эргашевага қарашли қўлбола дорихонадан 34 минг 195 сўмлик 57 турдаги истеъмолга яроқсиз дори-дармонлар йўқ қилинган. Шу муносабат билан тузилган далолатномада бозор ичидаги яна 8 та дорихона мутлақо талабга жавоб бермаслиги, давлат рўйхатидан ўтмаганлиги ва махсус рухсатномага эга эмаслиги қайд этилган.

Лекин далолатномадаги талаблар қоғозда қолиб кетган экан. Чунки худди шу далолатномада яроқсиз дорилар билан савдо қилган Зулфин Эргашева яна бемалол дўкончасини очиб, харидор чақириш билан овора.

Демак, унинг "жангари" қўшниси айтганидай, дорихоналар ёпилавераркан, кўп ўтмай "суянчиқ"лар орқали очилавераркан. Очиғи, бу бозордагиларнинг хулосаси. Унга биз ҳам қўшилишимизга бир баҳя қолди: наҳот шундай бўлса?! Ажабланган кўйи бозор айланишда давом этдик. Қатор жойлашган дорихоналарнинг эшигига "дорихона" деган ёзув атайлаб ёзиб қўйилмаган. Шу сабабли бир қарашда темир эшикли дўконларнинг дорихона эканлигини билиш жуда қийин. Фақат ўша торгина хоналар олдига қўйилган пештахта устидаги дорилардан бу ерда нима сотилишини билиб олиш мумкин.

— Бозор ичида дорихоналар бўлиши мумкинми?— деб сўраймиз бозор бошқаруви раиси Исматулла Жўраевдан.

— Мен бу вазифага ўтганимга бир ярим ой бўлди,— деб сўз бошлади у. — Ўтган ой ҳокимият томонидан тузилган махсус комиссия билан дорихоналар фаолиятини ўрганиб чиққан эдик. Уларнинг барчаси туман санитария-эпидиомология маркази томонидан муҳрланиб, савдо қилиши таъқиқлаб қўйилган эди. Яна очиб савдо қилишмоқда. Улар билан жиддий шуғулланишимга тўғри келади...

Масалага ойдинлик киритиш учун туман ДСИнинг бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Н. Тиловов ҳузурига кирдик.

— Мен сизларга ҳеч қандай маълумотнома беролмайман. Бунинг учун солиқ қошида махсус бўлим ходимларига мурожаат қилинглар. Уч кун бўлди — вақтинча бошлиқ вазифасини бажармоқдаман. Ҳали бу ердаги ғалваларни ўрганишга улгурганим йўқ, — деган жавоб билан чекланган раҳбар ҳузуридан саволларимизга жавоб тополмай чиқдик. Тўғри, янги бошлиқнинг ҳали бу ердаги шароитни чуқур ўрганишга вақти бўлмагандир. Аммо туман ДСИнинг бўлимлари, шу соҳага масъул ходимлари-чи? Улар наҳотки бу яширин дорихоналардан бехабар бўлишса? Шундай бўлса, ўтган ойда улар бозорда текшириш ўтказилмаган ва Соҳиба Тошмирзаевага қарашли дорихонадан 14.650 сўмлик дори-дармонлар мутлақо истеъмолга яроқсизлигини аниқлашиб, йўқ қилишмаган бўларди...

Шундан сўнг қарийб 30 йилдан буён дорихонада ишлаб келаётган туман марказий дорихонаси бошлиғи Рафиқ Назаровга учрашдик:

— Э, нимасини сўрайсиз. Ана шу қўлбола дўконлар туфайли шаънимизга доғ тушмоқда. Шу касбнинг нонини ўттиз йилдан буён ейман. Қўлбола дорихоналар ҳақида туман газетасида 2 марта мақола эълон қилдим. Охирги текширувда ҳам иштирок этганман. Бозор ичидаги дорихоналардаги дори-дармонларнинг ҳеч бирида сертификат йўқ. Бозор ичидаги мавжуд 8 та дорихона (пештахта устига очиқ ҳавода савдо қилувчилардан ташқари) биноси талабга мутлақо жавоб бермайди. Уларнинг барчаси фақат биргина тор хонадан иборат. Ваҳоланки, белгиланган низом талабларига асосан дорихона шахобчасига ажратилган бино 50 квадрат метрдан иборат бўлмоғи, унинг 20 квадрат метри савдо зали, 18 квадрат метри дориларни сақлаш хонаси, 7 квадрат метри иссиқдан бузилиши мумкин бўлган дориларни сақлаш, 6 квадрат метри ишчиларнинг кийим-кечаги турадиган, 2 квадрат метри қўл ювиш хонасидан иборат бўлмоғи лозим. Бозор ичидаги дорихоналарнинг ҳар бири кўп бўлса, 8-10 квадрат метрдан иборат, холос.

Хуллас, Шўрчи бозорида шунақа гаплар. Бозордан қайтар эканмиз, қуйидаги саволларга жавоб топишга интилдик: хўш, Шўрчи бозоридаги қўлбола дорихоналар қачонгача фаолият кўрсатади? Сотувчи жувон айтганидек, ким уларга "суянчиқ" бўлаяпти? Бозордаги бундай хўжасизлик қачонгача давом этади? Ўйлаймизки, ушбу саволларга мутасадди ташкилотлар тез орада жавоб топишади.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Тоғ йўли

Dangal gap

ҲАҚ БЕРИЛМАЙДИ

Бугун ҳаётимизда қонун устуворлиги таъмин этилаётган экан, бировнинг ҳақини биров «туя» қилиб кетолмайди. Бироқ, буни қарангки, Марҳамат туман машина трактор парки акциядорлик жамияти ўнлаб фермер хўжаликлар билан ўзаро олди-бердида, шартнома мажбуриятларини бажаришда масъулиятсизликка йўл қўйди. Яъни фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиб, уни ўз вақтида бажармай қарз бўлиб қолди. Қарзни эса ўз вақтида тўламай фермерларни сарсон-саргардон қила бошлади.

Шундан келиб чиқиб, Андижон вилоят адлия бошқармаси фермерларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судига даъво аризалари киритди. Ишни кўриб чиққан суд "Матонат", "Фозилжон", "Меҳнат", "Зафар", "Алиев", "Уммаров", "Чилон", "Манфаат", "О. Алматов", "Одилов" фермер хўжаликларининг акциядорлик жамиятига нисбатан асосий ҳақи, устама, маънавий зарарлар — жами 571 минг 462 сўм ҳақини ундириб берди.

Тўғри-да, Фуқаролик Кодексининг 985-моддаси 3-қисмида "Қонун ҳужжатлари ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлаштдан ташқари товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин", дея қайд қилинган. Шунингдек, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25- моддасида ҳам "Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида устама тўлайди. Бироқ бунда устаманинг умумий маблағи етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Устамани тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафнинг товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди", деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларига шартнома асосида тўланиши лозим бўлган маблағни ўз вақтида ҳисобкитоб қилмагани сабабли машина трактор парки ҳисобидан устама, жарима ва маънавий зарар ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устувор экан, бировнинг ҳақини ҳеч ким еб кетолмайди.

Исроилжон УСМОНОВ,
ҳуқуқшунос

Taajjub

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС...

Давлатободлик хусусий тадбиркор З.Деҳқонов Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкининг Наманган вилоят бўлимидан икки миллион сўм кредит олган эди. Бироқ тадбиркор олинган қарзни ўз вақтида, яъни 2001 йилнинг 14 ноябрида қайтармади. Натижада банк ходимлари хусусий тадбиркор З. Деҳқонов ва жавобгар вакил — "Наманган узумлари" агрофирмасини вилоят хўжалик судига берди.

Яқинда вилоят хўжалик судининг судяси Ш. Ҳасанов раислигида суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда томонларнинг фикр-мулоҳазалари атрофлича ўрганиб чиқилди.

Суд мажлисида жавобгар вакил — "Наманган узумлари" агрофирмаси бошлиғи Х. Абдусаматов ҳам иштирок этди.

— Хусусий тадбиркор З. Деҳқонов илгари "Наманган узумлари" агрофирмасида бош ҳисобчи лавозимида ишлаган, — дейди Х. Абдусаматов даъвони рад этиб. — У ўша вақтларда агрофирмада раҳбар бўлиб ишлаган А. Ҳакимбоевнинг имзосини ўзлаштириб, қалбакилаштириб олган кўринади. Қалбаки ҳужжат орқали Миллий Банкдан кредит олибди. Мен А. Ҳакимбоев имзо чеккан ҳужжатни экспертизадан ўтказиб, "Наманган узумлари" агрофирмасини жавобгарликдан чиқаришларингизни сўрайман.

Суд 2001 йилнинг 13 феврал кунида тузилган 1-сонли кафиллик шартномасини вилоят ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлимига юборди. 2002 йилнинг 12 мартидаги 1190-сонли эксперт хулосасига кўра, кафиллик шартномасидаги имзо А. Ҳакимбоевнинг номидан қўйилганлиги қайд этилди.

Суд ушбу шартномани Фуқаролик Кодексининг 124-моддасига асосан қалбаки ва кўзбўямачилик учун бузилган деб ҳисоблади.

Хусусий тадбиркор эса қилмишига яраша жазо олди. У 2001 йилнинг 13 феврал кунида тузилган 17-сонли шартномага асосан олинган икки миллион сўм асосий қарз, 545800 сўм кредит фоизи ва тўлов кечиктирилганлиги учун 2 ойга 10200 сўм устама, жами — 2647800 сўмни ўз мол-мулки ҳисобидан тўлайдиган бўлди.

Яна бир хусусий тадбиркор А. Нишонов эса савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш мақсадида "Ипак йўли" хусусийлашган ҳиссадорлик тижорат банкининг Наманган минтақавий бўлимидан уч миллион сўм кредит олади. 2001 йилнинг 13 март кунида 11-сонли икки тарафлама манфаатли кредит шартномаси тузилади. Шартнома 6 ой муддатга белгиланади. Хусусий тадбиркор ҳар ойнинг 20-санасида 36 фоизли устама ҳақ тўлаш шартини ўз зиммасига олади. Банкнинг масъул ходимлари кредит ва фоизларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида гаров шартномасини ҳам тузишади. Унга кўра, 3750000 сўмга баҳоланган ва "Узбекинвест" суғурта компанияси томонидан суғурталанган Н. Тожибоевага тегишли "ГАЗ-3110" русумли автомашина гаровга қўйилади. Шартнома 2001 йилнинг 14 март куни Давлатобод туман давлат нотариал идорасида тасдиқланади.

Кредитни қайтариш муддати 2001 йилнинг 12 сентябри эди. Бироқ хусусий тадбиркор олинган кредит пулларини ўз вақтида қайтармади.

— Хусусий тадбиркор А. Нишонов гаровга қўйилган "ГАЗ-3110" русумли машинани сотиб юборибди, — дейди даъвогар вакили банк филиали кредит бўлими бошлиғи К. Сотиболдиев. — Бир неча бор у кишини огоҳлантиришимизга қарамай, олинган кредитнинг 800000 сўмини тўлади, холос. Қолган 2200000 сўм асосий қарз ва устама фоизларни қайтариш чораларини кўрмаяпти. Шунингдек, хусусий тадбиркор шартноманинг 4.3-бандига асосан кредитни мақсадли ишлатганлиги ҳақида банкка ҳисобот бериши керак эди. Бу шартнома ҳам қўпол равишда бузилди. Ҳисобот бермаганлиги учун банкка 75000 сўм жарима ундиришликни талаб қиламан.

— Гаровга қўйилган машина эгаси Н. Тожибоева бўлса-да, — дейди жавобгар А. Нишонов. — Машина Қодирхон исмли шахсдан сотиб олинган эди. Унга 1500000 сўм бериб, пулнинг қолган қисмини бермаган эдик. Шунинг учун Қодирхон машинани қайтарди. Бошқа бир кишига сотиб юборди. Олинган барча кредит пуллар ҳозирча тижорат ишларида банд.

Суд мазкур далилларни ўрганиб, Фуқаролик Кодексининг 744-моддасига асосан даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирди. Жавобгардан 2200000 сўм асосий қарз, 454500 сўм устама фоиз, 75000 сўмлик давлат божи ва суд харажатларини ундиришликка ҳал қилувчи қарор чиқарди.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес билан шуғуланаётган кишиларга ҳар тарафлама қулайлик ва кенг имкониятлар яратиб берилган. Бироқ минг афсуски, баъзи бир тадбиркорларимиз бу ғамхўрлик ва имкониятларни ўз идроклариga турлича талқин этишга ҳаракат қилишяпти. Кимдир "давр келди, уриб қол", деган пуч хаёлларга бориб, оддий харидор ҳақиқа хиёнат қилишдан ўзини тиймаяпти. Бошқа бировлар эса "болта келгунча тўнкага дам" деган қуруқ сафсата билан давлат ёки жамоа мулкини ўзлаштириш пайида бўлаяпти. Албатта, бозор муносабатларига ўтиш ўз-ўзидан, енгил-елпи йўллар билан амалга ошмайди. Бунинг ўзига яраша қийинчилик ва муаммолари бор. Барча қийинчиликларни енгиб ўтиш учун аввало сабр-бардош, малака ва билим керак. Биз тилга олган икки тадбиркор эса оёғи остидан нарини кўра олмаган кўринади. Шу сабаб ҳар иккиси қалбаки ҳужжат, кўзбўямачилик асосида ўз мақсадларига эришмоқчи бўлди.

Лекин охир-оқибатда ўзлари боши берк кўчага кириб қолдилар. Шу ўринда хаёлимизга беихтиёр ота-бободларимизнинг "Етти ўлчаб бир кес", деган ибратли мақоли келди...

Маъмур МУСУЛМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qing`irlik

"ДАЛЛОЛ" ТАФТИШЧИ

Ширкат хўжалигига тафтишчи келгани ҳақидаги хабар яшин тезлигида тарқалди. Бировлар кутилмаган меҳмон ташрифини оддий ҳол деб қараса, айрим кимсалар бунга унчалик эътибор бермади. Тафтишчи келишга келди ҳам, ширкат хўжалигини текширди ҳам. Қизиғи шундаки, рус адиби Гоголнинг машҳур "Ревизор" асаридаги тафтишчига қараганда бунинг ҳангомаси бошқачароқ тус олди.

Тафтишчи дарагини эшитган заҳоти ҳаммадан ҳам идора ходимларининг пайтавасига қурт тушиб, типирчилаб қолишди. Чунки у бевосита прокуратура топшириғига биноан текшириш олиб боришини билган хўжаликнинг масъул раҳбарлари бунинг шунчаки текширув эмаслигини тушунишди.

Хўш, ўзи нима гап? Шунгаям ваҳима қилиш шартмикан, дерсиз.

Ҳақиқатан ҳам, Нуробод туманига қарашли "Жом" ширкат хўжалигида Республика Мувофиқлаштириш Кенгашининг 2001 йил охириги чорагига мўлжалланган иш режаси ҳамда туман прокуратураси топшириғи асосида 2000 йил апрел ойидан 2001 йил октябр ойига қадар бўлган молиявий аҳвол юзасидан тафтиш ўтказиш белгиланди. Шунингдек, бу тафтиш давомида хўжаликка қарашли қорамолларни саноқдан ўтказиш ва моддий назоратга жавобгар шахсларнинг ҳисоботини текшириш ҳам кўзда тутилган.

Тафтиш ўтказиш учун Самарқанд шаҳрининг "Куш-Нур" аудиторлик фирмасида аудитор вазифасида ишлайдиган Тўлқин Абдиев таклиф этилган. Лекин ўзига билдирилган бундай масъул вазифани бажариш чоғида тафтишчи Тўлқин Абдиев қош қўяман деб кўз чиқарди. Тафтишчи катта бир ширкат хўжаликнинг тақдири энди унинг қўлида эканини бошқача тушунди. У хоҳласам хўжаликда ғайриқонуний ишлар бўлса, уни ошкор қиламан, хоҳласам, йўлини қилиб ёпиқлик қозонни ёпиқ қолдираман, деб ўйлади шекилли. Бунинг устига прокуратура ҳам бу ишни унинг ихтиёрига ишониб топширган бўлса! Ҳозир айтганинг айтган — деганинг деган. Ҳамма вақт ҳам бундай омад қулиб боқавермайди!.. Ана шундай ўй-фикрлар билан иш бошлаган тафтишчи дастлаб хўжаликда бир қанча талон-тарожлик ва кўзбўямачиликка йўл қўйилганини аниқлади. Бошқача айтганда, хўжаликдаги жавобгар шахслар бўйнига "сиртмоқ солиш"га муваффақ бўлди. Энди унинг бирдан-бир иши ана шу сиртмоқни таранг тортиш ёки бўшатишдан иборат эканидан ичида мамнунлик туйди.

Тафтишчи жиддий қиёфага кириб, ўзига берилган хонага хўжалик бош ҳисобчиси Тошқувват Жумановни чақирди. Кўл қовуштириб турган ҳисобчини кўрган тафтишчи унга ачингандай гап бошлади:

— Ишлар хуржун-ку, ака! Давлатнинг мол-мулкини роса «туя» қилибсизлар-ку! Бу ёғи қандай бўлди, сўзсиз кўпчиликни энди темир эшик кутади. Мен ишни тугатиб, прокуратурага берсам бас, омон қолмайсизлар! — деди арқонни узун ташлаб.

Тафтишчининг ваҳимали гапидан кейин бош ҳисобчининг ранги бўздек оқарди. Ҳақиқатан ҳам тафтиш давомида аниқланган хато-камчиликлар анчагина. Буни текислаб юбориш фақат ана шу кишининг бир оғиз сўзига боғлиқ.

— Ука, нима бўлсаям, энди ўзингиз ёрдам қилинг. Ҳаммамизда ҳам бола-чақа бор. Нима хизмат бўлса, мана мен кўндаланг, жон ука, йўқ деманг, — дея бош ҳисобчи унга илтижо қила бошлади.

Тафтишчи солган сиртмоғи иш бериб, ўлжаси унинг оёғи остида типирчилай бошлаганини сезди. Энди шошилмасдан бемалол нархини ошириш пайти етганидан томоғини қириб, деди:

— Ҳа, ҳамма нарса менинг қўлимда, бу рост. Бунинг устига прокуратура ҳам менга ишонган. Уларга аниқланган камчиликларни айтсам, билишади, бўлмаса — йўқ. Лекин бу хавфли иш. Қолаверса, қандай қилиб виждонимга хилоф иш қиламан, — дея у ўзининг «нархи»ни янада кўтарди.

Лекин бош ҳисобчининг жон талвасада қилаётган илтимоси ва қуюқ ваъдалари тафтишчини бироз муросага келтирди.

— Майли, кишидан яхшилик қолади. Хўжайинимни ҳам, прокурорни ҳам ўзим кўндираман ва уларнинг ҳақини ўзим бераман. Тафтишда аниқланган камчиликларни ёпиш учун бир ярим миллион сўм берасизлар. Бу ҳам сизнинг ҳурматингиз учун. Бундан ташқари, яқинда тўй қилмоқчиман, унга хизмат қиласизлар. Келишдикми? Одамдан яхшилик қолади-да, ака! Шундайми, ахир, — дея муддаога кўчди тафтишчи.

Ноилож қолган бош ҳисобчининг боши қотди. Нима қилиш керак? Бировга айтса тили куйса, айтмаса кўп кишининг аҳволи вой бўлса. Шундан сўнг у хўжаликнинг тўрт-беш "масъул"ларини йиғиб, тафтишчи айтган пулни беришдан ўзга чора тополмади...

Ҳа, кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, олғир тафтишчи ўз вазифасини суистеъмол қилиб пора олаётган пайтда қўлга тушди. Порахўр тафтишчининг айби бўйнига қўйилиб, ўн йилу олти ой озодликдан маҳрум қилинди.

Дунёда ҳалолликдан кўра қудратли нарса йўқ. Бироқ айрим кимсалар ана шу ҳақиқатни била туриб, тағин таъмагирлик, порахўрлик каби қабиҳ йўлни танлайдилар. Ахир, улар танлаган йўл хатарли ва унинг охири вой-ку! Шундай бўлса-да, нафс балосига гирифтор бўлган кишилар шу жирканч йўлни танлаб, бир тарафдан ўз қадр-қиммати ва обрў-эътиборига путур етказсалар, бошқа бир тарафдан панжара ортида ўтириб, гулдай умрини хазон қиладилар. Энг ёмони эса, бундай кимсалар нафақат ўзлари, балки ўз яқинлари ва фарзандлари номига доғ тушириб, уларни бош эгиб юришга мажбур этади.

Маматқул ФОЗИЛОВ,
Нуробод тумани

Huquqiy savodxonlik

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларига ажратиш ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни биринчидан, фермер хўжаликларига заҳира ерлар, махсус республика ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва янги суғориладиган ерлардан бериш кўзда тутилса, иккинчидан, уларга зарар кўриб ишлаётган ёки рентабеллик қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари ажратилади. Фуқароларга фермер хўжалиги учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилишининг ҳуқуқий ифодаланганлиги қонунчиликда рўй берган энг муҳим янгилик саналади. Албатта, ерни узоқ муддатга ижарага бериш тартибининг ҳуқуқий амалиётга киритилганлиги, энг аввало, хорижий давлатлар тажрибасига асосланган бўлиб, бу ердан оқилона фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) бошқаруви томонидан умумий мажлис қарори асосида маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, яйлов яратиш учун қисқа муддатга ижарага қўшимча равишда ер майдонлари берилиши мумкин. Ер Кодексининг 20-моддасига асосан ер участкалари қисқа муддатга яъни, уч йилгача, узоқ муддатга эса уч йилдан ўн йилгача берилиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурати тақозо этганда, бу муддатлар тегишлича қисқа ва узоқ муддатга, вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Яна шуни айтиш керакки, ер участкасидан вақтинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган идоралар томонидан амалга оширилади.

Фермер хўжалигига ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорни туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлиси қарори асосида қабул қилади. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Ер участкасини олишда мазкур жойда яшовчи шахслар ушбу ҳуқуқдан фойдаланади. Туман ва қишлоқ кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг ер участкасини беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан суд ёки бўйсунув тартибида юқори орган, мансабдор шахсга шикоят қилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг фермер хўжалигини ташкил этишдаги хусусиятлари қонунда белгилаб қўйилган. Чунончи, қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалиги) таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хўжалиги юритиш истагида бўлган аъзолар кооператив (ширкат) Низомига биноан ўзларига тегишли мулкий пай қиймати ҳамда даромад (фойда) миқдори ва кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнат иштирокини инобатга олган ҳолда, аниқланадиган улушни олишга ҳақлидир. Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан шу кооператив (ширкат) ерлари таркибидан қонунда белгиланган тартибда ижарага узоқ муддатга ер участкаси олиш ҳуқуқига эга. Бунда ер участкасини узоқ муддатли ижарага қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликлари ҳолатининг самарали меъёрлар асосида мустаҳкамланиб борилиши тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун объектив шароит яратиб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

С. МИРЗАЕВ,
ТДЮИ аспиранти

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

Қишлоқда спортни ривожлантириш ва ёшларга зарур бўлган спорт жиҳозларини сотиб олишда баҳоли қудрат кўмаклашмоқда. Режадан ташқари, 10-12 тонна ғалла қолса, ҳаммаси изга тушиб кетади, мақсадлари ушалади.

Жўрақул Тошкентга профессор билан гаплашгани кетган куни яна «катта» бошчилигидаги гуруҳ ғаллазорга келди. Ҳеч кимдан бир оғиз сўрамасдан ўримни бошлаб юборди. Ўрим охирлаётганда, Жўрақул ҳаллослаганча даласига етиб келди. Вақт ўтганди. 13 тонна 400 килограмм ғалла 7-дон маҳсулотлари корхонасига жўнатиб бўлинганди. Шундай қилиб, Ў. Ҳотамов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудидаги ноғиронлар жамиятига қарашли "Саховат" фирмаси гектаридан 42 центнердан ҳосил олиб, 7-дон комбинатига 29 тонна 400 килограмм дон топшириди. Шунинг 13 тонна 400 килограми фирма деҳқонларининг эди.

— Энди нима бўлади, «катта» — деди Бердиқулов.

— Ўрим тугагач, натура ҳолида корхонадан ғаллангизни оласиз, — деб ҳотиржам жавоб берди у.

Дарвоқе, дастлабки ғалла режаси бажарилган куннинг эртаси куни ушбу далада республика, вилоят, туман ногиронлар жамияти бошлиқлари С. Убайдуллаев, Қ. Мажидов, С. Иномовалар бўлишганди. Улар фирма бошлиғига ташаккур айтишди. 3 тонна ғаллани хайрия мақсадларига ишлатиш, 2 тонна ғаллани уруғликка сақлаш, қолганини фирма аъзолари билан тақсимлаб олишни маслаҳат бердилар. Кейин эса иш чаппасига кетди.

Ёз ўтиб, куз келди. Лекин ҳеч қандай натижа йўқ. 7-дон комбинати раҳбари Раҳматилла Эралиев ҳузурида бир неча бор бўлди. Шартномадан зиёд топширилган ғаллани қайтариб беришни сўради, илтимос қилди. Оч билан тўқ бола ўйнамайди, тўқ бола ҳеч нарсани ўйламайди, деганларидек Эралиев бунга парво қилмади. Шундан сўнг у вилоят хўжалик судига ариза билан мурожаат қилди. Жаноб Эралиевдан шундай жавоб олди: "Саховат" фирмаси режадан ортиқ топширган 13 тонна 400 килограмм донни натура ҳолда кўтарилишини талаб қилган. Ушбу талабноманинг корхона томонидан бажарилишининг мутлақо имкони йўқ. Чунки фирма билан корхона ўртасида режадан ортиқ топширилган донни натура ҳолида қайтарилиши ҳақида мажбурият кўрсатилмаган. Топширилган дон туман ва вилоят ҳисобидан ўтиб, давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш режасига киритилган».

Жавоб силлиқ, таҳririга ҳужат йўқ. Аммо меҳнаткаш инсон манфаати четлаб ўтилган. Раҳбар давлат эҳтиёжини ўйлаб, ортиқча ғалла учун шартнома тузилмаган, дея осон қутулиб кетмоқчи бўлган. Иккинчи жавоб хатида ҳам юқоридаги рақамлар қайтарилгани ҳолда шундай қўшимча қилади: "...давлат стат органига топширилган 1-ЗАГ ҳисоботидан чиқармасдан туриб, бир килограмм ҳам донни қайтариб беришга ҳақким йўқ". Чунки Эралиев шу соҳа мутахассиси сифатида агар ғалла натура сифатида қайтариб берилса, ўз бўйнига тушишини яхши биларди.

Жўрақул бирор натижага эришолмагач, юқори маҳкамаларга хат ёзди.

У курашишга, курашганда ҳам қонун йўли билан, адолатни, ўз қадр-қимматини тиклашга қарор қилди. Даъво ариза билан бир неча бор вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бу ишни кўриб чиқиш давлат стати ҳисобидан чиқарилгандагина беришни билдирган. Бу борада Жиззах туман статистика ва ҳисоблаш маркази бошлиғи Ш. Худоёровнинг давлат ҳисобидан чиқариш тўғрисидаги хати тақдим этилса-да, у бундан бош тортди. Шу йил март ойининг 5-куни ижро мажбурий таъминланиб, ички ишлар ходимлари ҳамда холислар иштирокида далолатнома тузилди. Ва 10 тонна ун ортилган машина дарвозадан чиқарилди".

Кейин нима бўлди? Ҳар ҳолда Эралиевга инсоф кирибди, қонун ундан устун келибди, дерсиз. Йўқ, унинг хурмача қилиқлари кейин бошланди.

Ун ортилган машина Жўрақулнинг уйи томон йўл олди. Кабина ичида Эралиевнинг ўзи ҳам бор эди.

— Машинани корхона дарвозасидан қайтариб киргизинг, — деб ҳукм қилди у.

— Нега? — дея сўради Жўрақул. — Ахир, менинг қўлимда суд ҳужжати бор. Ун ўғирлик эмас. Зўравонлик билан олиб чиқиб кетаётганим йўқ. Бир йиллик ҳалол меҳнатимиз маҳсули.

— Ун шу бугунга шу ерда қолсин. Майли, эртага олиб кетасиз. Шу ун сизники.

Жўрақул бу гапнинг тагида нима ётганлигини сезди.

— Тўққиз ой корхонада сақлаб бердингиз. Яна бир кун сақлашга нима ҳожат. Унингиз кўпайиб қолмайди-ку?!

«Қалия» маҳалласининг тор кўчаларидан бирида юк машинасининг олдини "Нексия" тўсди. Бу бошлиқнинг қўйган тузоғи эди.

— Бу кеча уйингизга ун тушмайди, — деди у қатъийлик билан. — Келинг, корхонага ҳам бормасин. Шофёрнинг ҳовлисида турсин. Келишдикми?

Иккала бошлиқ анча тортишдилар. Униси у, буниси бу деди. Жўрақул билдики, бошлиқ унни осонликча берадиганлардан эмас. Машинадан тушиб, суд ижрочисининг уйига борди. Воқеани айтиб берди. Ижрочи очиғига кўча қолди.

— Мен дарвозадан чиқариб бердим. Энди қандай олиб кетасиз, бу сизга боғлиқ. Агар машина эрталабгача қолса, ундан айрилдим, деяверинг.

Жўрақул уйига келди. Фирма аъзоларини йиғди ва воқеани тушунтирди. Улар ёрдамга отланишди.

Бу гал машинани ҳеч ким тўсолмади. Ун уйга келиб тушди. Ўша кечасиёқ фирма аъзоларига тарқатиб берилди, ҳамма ўз улушини олди.

Ҳурматли газетхон! Кейинги воқеалар сизга худди эртакка ўхшаб туюлди-я. Балки фермерлар орасида худди Жўрақул Бердиқуловга ўхшаб ойлаб-йиллаб шартномадан зиёд ғалласи, пахтасининг ҳақини ололмай юрганлар бордир. Бугун яна ғаллага ўроқ тушди. Демоқчимизки, шартнома шартларини бажаринг, унга риоя қилинг. Қонунни, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган фермер қоқилмайди, бировга оғзидагини олдириб ўтирмайди. Яқинда "Ўзбекистон" хўжалигидан бир гуруҳ деҳқонлар фермерлар тўғрисидаги қонун қўпол равишда бузилаётганлиги, улардан асоссиз равишда ерлар тортиб олинаётганлиги тўғрисида шикоят қилиб келишди. Яна қонун устувор келди. Ер эгаларига қайтариб берилди. Қонунни бузишга, четлаб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Ўктам ОДИЛОВ,
Саидмурод НОРБОЕВ

Saboq

Qonunchilik islohotlari

АДВОКАТУРА

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Кишилик тараққиётининг маълум бир босқичида давлат ва ҳуқуқ, давлат бошқарув идоралари ва суд ҳокимияти пайдо бўлиши баробарида адвокатлик фаолияти ҳам юзага келгани бежиз эмас. Чунки судларда кўриб чиқиладиган оилавий, мулкий ёки жиноий ишларда мавжуд қонунларнинг моҳиятини фуқароларга тўғри тушунтириб бериш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун махсус ҳуқуқий билимларга эга бўлган шахсларнинг бўлишини заруриятнинг ўзи тақозо этган. Адвокатлик фаолияти юзага келишининг яна бир сабаби шунда кўринадики, ҳар қандай давлатнинг функциялари, умуман айтганда, шахснинг ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бироқ давлатга баъзи ҳолларда ўз фуқаросини айблаш вазифаси ҳам юклатилган. Бу — табиийки, бир фуқарони бир вақтнинг ўзида ҳам айблаш, ҳам ҳимоя қилишни давлатнинг ўзи бажариши мантиққа ҳам, ҳуқуқнинг энг умумий тамойилларига ҳам зиддир. Шу сабабли давлат шахсни айбловчи вазифасига киришаётганда шу шахс ҳуқуқини ҳимоя қилишни давлатга тегишли бўлмаган ташкилотга — адвокатурага қонун орқали беради.

Шуни айтиш керакки, шўро замонида адвокатларнинг жамиятдаги ўрни жуда паст эди. Улар суд жараёнига шунчаки расмиятчилик учун жалб этилар, лекин ҳеч қандай таъсир кучига эга эмасди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда адвокатлик фаолияти билан боғлиқ қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши туфайли адвокатнинг ҳуқуқий мақоми ўзгарди, адвокатура тизимида "Адвокатлар бюроси", "Адвокатларнинг малака комиссиялари" сингари тушунчалар пайдо бўлди ва янги қарашлар билан мазмунан бойиди.

Бу — албатта, яхши.

Лекин адвокатура фаолияти ҳақида гап кетганида, баъзи бир муаммолар кўзга ташланаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Шу маънода баъзи таклифларимни ўртага ташламоқчи эдим.

Ривожланган демократик давлатларнинг адвокатура тўғрисидаги қонунлари адвокатликка қўйиладиган талаблар белгиланган меъёрларни ўрганишдан келиб чиқиб ва ушбу талабларни янада қатъийлаштириш мақсадида "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига "ҳуқуқбузарлик содир этиш туфайли ваколатларидан маҳрум қилинган, вазифасидан четлатилган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайди", деган меъёрни киритиш мақсадга мувофиқдир деб ўйлайман. Чунки адвокатлик касбидек ўта масъулиятли вазифа ушбу касбга ҳар томонлама лойиқ бўлган кишиларга топширилиши лозим. Ўйлаймизки, бу ҳол адвокатура тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, адвокатларнинг билим ва малакаларини доимий равишда ошириб бориш мақсадида малака ошириш тизимини йўлга қўйиш зарур. Нега деганда, адвокат ўз устида мунтазам ишлаши, билим ва тафаккурини янги чиққан меъёрий ҳужжатлар ҳисобига бойитиб бориши шарт.

Бундан ташқари, адвокатнинг энг муҳим процессуал фаолият турларидан бири бўлган жиноят процессида ҳимоячи сифатидаги иштироки билан боғлиқ қонун меъёрларини янада такомиллаштириш зарур, деб ўйлайман. Айниқса, "далиллар тақдим қилиш" ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида амалиётда кўпгина муаммоларга дуч келинаётгани сир эмас. Адвокатлик амалиётини ўрганиш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда ҳимояни мустаҳкамлайдиган далиллар мижознинг шахсан ўзи ёки унинг қариндошлари томонидан ҳимоячига тақдим этилмоқда. Бунга асосий сабаб тергов органларида айблов йўналиши доимо устун бўлиб келганлиги учун суриштирувчи ёки терговчи томонидан айбланувчининг ҳолатини енгиллаштирадиган далилларни қабул қилмаслик ёки уларга нисбатан бўлган ишончсизлик туфайли фуқаролар томонидан далиллар ҳимоячига тақдим қилинади. Ана шундай ҳолга бутунлай барҳам бериш керак, деб ўйлайман.

Яна шуни айтиш жоизки, ЖПКнинг 198, 200-моддаларида, нарсалар ва ҳужжатларни уларнинг эгаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиш мумкинлигини белгиланган. Менимча, ушбу моддаларда ҳимоя позициясини мустаҳкамлайдиган, яъни мижознинг айбсизлигини исботлайдиган ёки айбини енгиллаштиришга хизмат қиладиган нарсалар ва ҳужжатлар уларнинг эгалари томонидан ҳимоячига тақдим қилиниши мумкинлигини белгилайдиган ҳолатларни киритиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Агар дунё тажрибасига назар ташласак, АҚШда аҳоли турмуш даражаси юқори бўлишига қарамай, оғир жиноят содир этган шахсларнинг 80 фоизи адвокатга пул тўлаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун аҳолини бепул адвокатлик хизмати билан таъминлашнинг уч хил шакли йўлга қўйилган:

1. Тайинлаш орқали адвокат билан таъминлаш. Бунда маҳаллий ҳокимият асосий амалиёт билан шуғулланувчи, юридик ёрдам кўрсатиш хизматини таклиф қилаётган адвокатларнинг рўйхатини тузиб чиқади. Бу рўйхатда адвокатнинг ихтисослиги кўрсатилади ва муайян бир ишга адвокат тайинлашда суд унинг ихтисослигини ҳисобга олади. Бунда адвокатларга тўлов федерал бюджет ёки штат бюджетидан суд орқали берилади.

2. Шартнома бўйича адвокатлар билан таъминлаш. Бунда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи адвокатлар маҳаллий ҳокимият билан олдиндан шартнома тузиб қўядилар. Бу шартномада маълум муддат мобайнида қанча кишига юридик хизмат кўрсатиш ва хизмат ҳақи миқдори келишиб олинади.

3. Оммавий ҳимоячилар фаолияти. Бундай ташкилий шаклдаги адвокатура маҳаллий ҳокимият томонидан тузилади. Улар бу органнинг фаолиятини назорат қилиб турадилар. Кўпинча бундай идоралар маҳаллий ҳокимият тизимига кириб, унда ишловчи адвокатлар расман давлат хизматчилари ҳисобланади.

АҚШ қонунчилигига кўра, адвокат судда бирор-бир кишининг манфаатини кўзлаб иш юритар экан, нафақат ҳимоячи сифатида, балки айбловни қўллаб-қувватловчи субъект сифатида ҳам иштирок этади.

Судда айбловчи ва ҳимоя қилувчи тарафлар бир-бирларини ва судни ўзлари йиққан далиллар билан таништиради. Шу асосда тортишув олиб борадилар. Икки тараф ҳам далиллар йиғиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ҳуқуқига эга. Айбловчи тараф ишни судга тайинлаш босқичида ҳимоя қилувчи тарафни ўзининг барча далиллари билан таништириши шарт. Бу ерда судьянинг вазифаси у ёки бу ҳолатга қандай баҳо берилганлиги тўғрисида қасамёд қилган судьяларга (судьи присяжных) тушунтириш беришдан иборатдир. Қасамёд қилган судьялар айбловчи ва ҳимояловчи тарафларнинг музокарасини эшитиб бўлгач, судланувчини "айбдор" ёки "айбдор эмас", деб ҳукм чиқаради. Ҳимояловчи адвокатлар айбловчи тарафнинг гувоҳлари билан полиция иштирокида, ҳимояни қўллаб-қувватловчи гувоҳлар билан эса холи суҳбатлашиш ҳуқуқига эга.

Агар судланувчи судгача ўзини айбсиз деб ҳисобласа, ҳимояловчи тараф айбловчи тарафни судгача бўлган даврда ўзининг барча далиллари билан таништириши шарт.

Жазони судья белгилайди, бу ерда айбловчи тараф у ёки бу турдаги жазони қўллашни суддан талаб қилишга ҳаққи йўқ.

Бу жаҳоннинг тараққий этган давлатларидан бирининг тажрибаси. Ўйлайманки, ана шундай илғор тажрибаларни қўллаш, улардан ўринли фойдаланиш ҳам мамлакатимизда адвокатура тизимини янада шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
адвокат

ИККИ ФИКР

МАВҚЕ ВА ТАЛАБ

Истиқлолдан кейин мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳият-мазмуни билан аҳолининг ҳуқуқий онги, маданиятини ошириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан юксак аҳамият касб этади.

Ушбу ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатимизда замонавий адвокатура институтини шакллантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада юртимизда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, қонунчиликда кўплаб янгилик ва ўзгаришлар юз кўрсатди. Хусусан, 1996 йил 27 декабрда **"Адвокатура тўғрисида"**ги , 1998 йил 25 декабрда эса **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонунларнинг қабул қилиниши адвокатура институтининг шаклланишида туб бурилиш ясади. Ушбу қабул қилинган қонунлар жаҳон андозаларига тўла жавоб бера оладиган, мукаммал ишлаб чиқилган ҳужжатлар дейишга ҳақлимиз.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, мамлакатимизда адвокатура фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган экан, ҳозирда унинг аҳволи, жамиятдаги ўрни, мавқеи қай даражада? Амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, адвокатура фаолиятида ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам учрашига гувоҳ бўламиз.

Бунинг боиси нимада?

Маълумки, мамлакатимизда адвокатура фаолиятининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, корхона, муассаса, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда адвокатнинг бу вазифаларни бажариши учун ҳар томонлама ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Чунончи адвокатура фаолияти энг аввало Конституция билан белгилаб қўйилди. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 116-моддасида **"...фуқароларга, корхона, муассаса, ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади"**, деб қайд этилгани сўзимизнинг исботи бўла олади.

Шунингдек, бу соҳада адвокатлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминловчи бир неча ҳуқуқий меъёрлар ҳам ўрнатилди. Жумладан, **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонунда **"Адвокатнинг ҳуқуқлари"**, **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари"**, **"Адвокатлик ижтимоий ҳуқуқлари"** каби моддаларнинг, **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонунда **"Адвокат фаолиятининг асосий принциплари"**, **"Адвокатнинг ваколатлари"**, **"Адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш"**, **"Адвокатнинг дахлсизлиги"**, **"Адвокатлик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги"**, **"Адвокатлик фаолияти ҳимояланишини таъминлаш"**, **"Адвокат ижтимоий ҳимояси чоралари"** каби моддаларнинг белгиланиши бунга яққол мисол бўла олади.

Булардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминловчи катта ҳуқуқий база яратилди.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: мамлакатимизда адвокатлик фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари жаҳон тажрибасидан қолишмайдиган, бекаму кўст тарзда яратиб берилган экан, нима учун ушбу ҳолат амалда ўз ифодасини топмаяпти? Нима учун ҳалигача жамиятимизда адвокатларнинг мавқеи нисбатан паст даражада?

Бизнингча, ушбу камчиликларнинг асосий сабабини адвокатларнинг ўзларидан изласак бўлади. Чунки адвокатура фаолиятини тартибга солишга доир меъёрларни амалда қай даражада тўғри қўллай олиши ва уни ҳаётга тўла татбиқ қила олиши кўп жиҳатдан адвокатнинг ўзига боғлиқ. Адвокат қонунларни қанчалик мукаммал эгаллаган бўлса, ўзининг конституция, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқни қанчалик англай олса, у ўз фаолиятини шунчалик ишонч билан амалга ошира олади. Шу билан бирга ўзи қатнашаётган иш бўйича ижобий натижаларга эришишга муваффақ бўлади. Демак, адвокатура фаолиятига доир қонунчиликнинг тўлақонли амал қилиши бевосита уни ҳаётга татбиқ қилувчилар — адвокатларга боғлиқдир.

Бироқ ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг ҳаммасини ҳам кучли, ўз касбининг устаси дея олмаймиз. Балки айрим адвокатлар бу фикрга қўшилишмас. Аммо нима бўлганда ҳам, эртанги кунимизнинг саодатли бўлиши учун бугун ҳақиқатга очиқ кўз билан қарашимиз зарур.

Бизнингча, адвокатуранинг мавқеини янада кўтариш ва учун адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни истаган шахсларга нисбатан қўйиладиган талабларни янада кучайтириш лозим. Хусусан, адвокатликка номзодга қонунчиликда назарда тутилган талабларга қўшимча равишда яна қуйидаги талаблар қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Биринчидан, адвокатликка номзод ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида (ушбу идораларда у қандай лавозимда ишлаган бўлишидан қатъий назар) камида уч йил фаолият кўрсатган бўлиши;

Иккинчидан, номзод малака имтиҳони топшириш учун белгиланган муддат давомида (6 ой) тегишли курсни ўтаган бўлиши лозим.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка кўра, адвокатликка даъвогар шахс ўз аризасида фаолият кўрсатмоқчи бўлган ҳуқуқ соҳасини (фуқаролик, хўжалик, жиноий ва ҳ.к) кўрсатади. Имтиҳонни муваффақиятли топшириб бўлгандан кейин унга имтиҳон топширган соҳаси бўйича эмас, балки барча соҳалар бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи лицензия берилади. Фикримизча, адвокатликка номзод ҳуқуқнинг қайси соҳаси бўйича имтиҳон топширган бўлса, келажакда у фақат ўша соҳа билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи адвокатлик лицензиясига эга бўлиши белгилаб қўйилиши лозим. Ана шундагина адвокатура томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатининг оширишга эришилади, деб ўйлайман.

Зеро, адвокат одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериш, шахсга нисбатан суд-тергов идоралари томонидан ғайриқонуний усуллар қўлланишига тўсқинлик қилиш, айбдор шахснинг ҳаракатини тўғри баҳолаш ва қилмишига яраша адолатли жазо тайинланишига ёрдам бериш ҳамда жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга кўмаклашишдек масъулиятли вазифаларни амалга оширади.

Акмал БУРҲОНОВ,
магистрант



"ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ..."

Tahrirsiz maktub

Мен ўттиз йилдан буён "Турон" жамоа хўжалигида ишлайман. Умр йўлдошим оддий ишчи. 2000 йил март ойида 1980 йилда туғилган ўғлим Дилмурод Назаров 2-гуруҳ ногирони бўлгани учун алоҳида ер участкаси беришни сўраб, хўжалик раҳбари Вафо Муҳаммадиевга ариза билан мурожаат қилдим. У аризамга "олти сотих ер ўлчаб берилсин", деб ёзиб берди. 2001 йил 9 апрел куни хўжалик ходими Сами Содиқов олти сотих ер учун беш минг сўм пул олди-да (лекин кирим ордерини ҳалигача бергани йўқ), бир неча киши гувоҳлигида молхона бўлган, ҳозирда аҳолига фойдаланиш учун ер участкаси қилиб берилаётган жойдан уч сотих ер ўлчаб берди. Қолган уч сотих ерни бинолар бузилгандан сўнг беришини айтди. Бироқ 2001 йил декабр ойида 1990 йилда қурилган, узунлиги 72, эни 12 метр бўлган молхона бир фермерга сотиб юборилди. Унинг пули хўжалик хазинасига кирим қилиндими-йўқми — билмадим-у, аммо молхона ўрни Муҳаббат Жовлиева, деган аёлга берилди.

Аслида саккиз сотих сувли, ўн икки сотих лалми ерга эга бу аёл хўжаликда муқим ишлагани йўқ. Мен Сами Содиқовга қолган уч сотих ерни ўлчаб беринг, деганимда, "бу ер Муҳаббат Жовлиевага сотилган", деб жавоб берди.

2002 йил март-апрел ойларида ернинг қолган қисмини ололмаётганимни ёзиб, туман ҳокимлигига икки марта мурожаат қилдим. Туман ҳокимиятидагилар "Самоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тошпўлат Бердиевни чақириб, унга ер масаласини ҳал қилиб беринглар, деган эди. Лекин Сами Содиқов яна "ер сотилган, қаерга борсанг бор", — дея жавоб қилди.

Ана шундай вазиятда мен нима қилишим керак?

Тўғри, уйдаги гапни кўчага олиб чиқмаслик лозим. Аммо менинг муаммомни ҳал этишга бевосита масъул бўлган маҳаллий раҳбарлар панжа орасидан қарагач, қандай йўл тутишим даркор?..

Гулжаҳон НАЗАРОВА,
Яккабоғ тумани

ТАҲРИРИЯТДАН: Дарҳақиқат, шикоят хати муаллифи қаламга олган муаммони мутасаддилар ўз ўрнида ҳал этишганида, иш газетагача етиб келмасди.

Хўш, бу иш нега пайсалга солинди? Бунинг сабаби нима билан изоҳланади?

Қисқаси, мазкур шикоят хатида кўтарилган масала юзасидан мутасадди раҳбарларнинг аниқ жавобини кутамиз.

МУЛОҚОТ

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳурматли таҳририят! Сизларга мактуб йўллашдан мақсадим шуки, мен 1994 йилда Хоразм вилояти статистика марказига иқтисодчи бўлиб ишга кирдим. 1996 йилда Питнак шаҳрида статистика маркази ташкил этилиб, мени унга бошлиқ этиб тайинлашди. Албатта, янги ишнинг ўзига яраша масъулияти бўлади. Иш кўплигидан 1996 йилда меҳнат таътилига чиқа олмадим. 2000 йил 24 август куни вилоят статистика бошқармаси бошлиғига 1996 йилдаги меҳнат таътилимни сўраб ариза берсам, "бу таътилинг куйиб кетди", деб менга 1997 йилдаги меҳнат таътилини олишга рухсат берди. Питнак шаҳри Ҳазорасп туманига қўшилгандан сўнг статистика маркази ҳам ўз-ўзидан бирлаштирилди. Шундан сўнг таътил сўраб Ҳазорасп туман статистика маркази бошлиғига 1996 йилдаги иш даврим учун ариза олиб кирдим. У вилоят статистика бошқармаси бошлиғи билан гаплашиб, 1998 йил учун меҳнат таътили тайин қилди. Бундан ҳайрон бўлиб ҳуқуқшуносларга мурожаат қилганимда, улар менга 1996 йилги таътилни олишим мумкинлигини айтишди. Сизлардан сўрамоқчи бўлганим шу, яъни 1996 йилги меҳнат таътилим «куйди»ми-йўқми?

Р. МАТЁҚУБОВ,
Хоразм вилояти, Питнак шаҳри

— Сиз 1996 йилги меҳнат таътилини 1997 йилда олишингиз мумкин эди. Аммо Меҳнат Кодексининг 15-моддасига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсацияси тўланади. Бинобарин, иш даврида ходимлар хоҳишига кўра, ушбу Кодекснинг 134-моддасида белгиланганидек, йиллик таътилнинг энг оз муддати (ўн беш иш куни)дан ортиқча қисми учун пуллик компенсация ҳам тўланиши мумкин. Шунингдек, ушбу Кодекснинг 137 ва 138-моддаларида назарда тутилган қўшимча таътиллардан асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Яъни Кодекснинг 137-моддасида меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътил белгиланган. 138-моддада эса оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитдаги иш фаолияти учун йиллик қўшимча таътил берилиши қайд қилинган.

* * *

— Менга сизларнинг маслаҳатингиз жуда зарур деб билганим учун хат йўллаяпман. Қизим Гулбаҳор Қобулова ногиронлиги туфайли, олаётган нафақа пули 16 ёшга тўлиши билан тўхтатиб қўйилди. Чунки вилоят ВТЭК комиссияси қизимни 3-гуруҳ ногирони деб белгилади. Туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари агар 3-гуруҳ ногирони меҳнат стажига эга бўлса, унга нафақа тўлаш лозимлигини айтишди. Мен бир газетада худди шундай саволга берилган жавобни ўқиб, ўша газетани ижтимоий таъминот бўлими ходимларига олиб бордим. Улар "саволда гуруҳи кўрсатилмабди, сиз ногиронлик гуруҳини кўрсатиб хат ёзинг, келган жавобга қараб иш тутамиз", дейишди. Ўша газетада берилган жавобда "меҳнат фаолияти даврида ногирон бўлганларга нафақа тайинланиши шарт", деб кўрсатилган. Сизлардан илтимосим — қизимга нафақа тўланмаслик сабабини тушунтириб берсангизлар.

Маҳкамбой ҚОБУЛОВ,
Хўжаобод тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 319-сонли қарори билан тасдиқланган **"Болаликдан ногирон бўлганларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида"**ги Низомга асосан қизингизга нафақа тўланиши шарт. Чунки болаликдан ногирон бўлганларга 3-гуруҳ ногиронлиги ҳам киради.

Саволларга ҳуқуқшунос
Гулнора САРИМСОҚОВА жавоб берди

Mushohada

ИНСОН ТАҚДИРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Худди шу кезларда Норқул Хидиров туман прокурорига "милиция ходимлари Чори Қурбонов, Тўлқин Эрназаров, Асқар Бегматовлар прокуратурага шикоят қилгани учун қизимдан қасд олиш учун уни фуқаро Насиба Абдуллаева ёрдамида хизмат хонасига келтириб, навбатма-навбат зўрлашди", деган мазмунда арз қилади. Бу ҳол ўчаётган оловга яна мой қуйгандек бўлади. Жарқўрғон туманнинг ўша пайтдаги прокурори Д. Абдураҳмонов энди тўрт нафар шахсга нисбатан тергов ҳаркатларини бошлашга буйруқ беради. Бу гал терговни туман прокуратураси терговчиси Э. Мусаев олиб боради. Ниҳоят, 1998 йилни 31 март куни Чори Қурбонов, Асқар Бегматов ва Тўлқин Эрназаровларга ЖКнинг 206-моддаси 1-қисми билан, Н. Абдуллаевага эса ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилади. Гулноза Хидировага нисбатан яна қўшимча экспертиза тайинланади. Экспертизанинг бу галги хулосаси олдингисига тамоман тескари эди. Терговчи шунга асосан гумондорлар ҳақиқатда ҳам уни зўрлашган деган қарорга келади ва ишни судга оширади. Шунингдек, терговчи Э. Мусаев Т.Эрназаровни эгаллаб турган лавозимидан четлатиш ҳақида туман ички ишлар бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритади. Шундан сўнг у ишдан бўшатилади.

Уларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини туман судининг судьяси А. Рўзиқулов тергов ҳаракатлари ноқонуний равишда олиб борилган, деган хулосага келади ва ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақида ажрим чиқаради. Шундан сўнг тергов ҳаракатлари Термиз туман прокуратураси терговчиси Ш. Шотўраев зиммасига юкланади. У ҳам ишни жарқўрғонлик ҳамкасбининг усулида олиб бориб, тезда уни судга оширади. Аммо жиноий ишлар бўйича Термиз туман судининг раиси Т. Ҳусанов ишни яна қўшимча терговга қайтаради. Тергов ҳаракатларини энди Жарқўрғон тумани прокуратураси терговчиси Б. Абдухолиқов олиб боради. Бу гал Тўлқин Эрназаров эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинади. 1999 йилнинг 26 декабридан 2000 йилнинг 3 мартига қадар у ҳибсхонада сақланади. Шундан сўнг жиноий ишлар бўйича Жарқўрғон туман судининг судьяси Қ. Жўраев жиноий ишни кўриб чиқади ва 14 июн куни уни қўшимча терговга қайтаради.

Ниҳоят, ноябр ойида мазкур жиноят иши Шўрчи туман прокуратураси терговчиси Ботир Эшонқулов қўлига келиб тушади. У 15 ноябр куни Тўлқин Эрназаровни қамоқда ушлаб туришга асос йўқ, деган қарорга келади. 2001 йилнинг 17 январ куни эса Тўлқин Эрназаровга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини бекор қилиб, унинг ноҳақ айбланиб жабрланганини исботлайди. Шу тариқа одил судьяларнинг қатъий иш тутуми туфайли Тўлқин Эрназаровнинг айбсизлиги исботланади. Айбсизлиги тан олингач, Тўлқин Эрназаров Қумқўрғон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни айбдорлардан ундириб беришни сўрайди. Суд судья Қ. Дўстмуродов бошчилигида ушбу даъво аризасини кўриб чиқиб, Тўлқин Эрназаров фойдасига етказилган моддий ва маънавий зарар учун Сурхондарё вилоят молия бошқармасидан 3350233 сўм ундириш ҳақида қарор чиқаради.

Баён этилганларни ўқиган киши дафъатан "адолат қарор топибди-ку", дейиши мумкин. Сиртдан қараганда, шундай туюлади. Аслида эса бундай эмас. Гап шундаки, шикоят хати мазмуни билан танишгач, киши кўнглида бир қанча мулоҳазалар пайдо бўлади. Улар беихтиёр одамни инсон тақдири ҳақида ўйлашга ундайди. Хўш, инсон тақдири деганда биз нимани тушунамиз?

Муқаддас китобларда инсон ва тақдир масаласи борасида кўп ва хўп ёзилган. Шу боис уларга изоҳ бериш ёки қўшимча қилиш бизнингча, ортиқча юмуш. Бу ўринда баён этилган шикоят хати юзасидан айрим жайдари мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топдик, холос. Нафсламрини айтганда, инсон шаъни ҳамиша ва ҳамма замонларда мукаррам ҳисобланган. Зеро, инсон жонзотлар ичида ақлу заковати, руҳий олами билан улуғ ва қудратлидир.

Шу сабаб у олиймақом, янаям тўғрироғи, инсоний даражада ҳаёт кечиришга ҳақли. Бу унга ато этилган табиий илоҳий неъмат. Афсуски, баъзан ана шу маънавий-руҳоний қонуниятни одам шаклидаги кимсалар унутиб қўяди. Йўқса, улар ҳеч қачон инсон тақдири билан ўйнашмаган бўларди. Тўлқин Эрназаровнинг изтироб ила йўғрилган шикоятини ўқиб, унинг айби нима эди, нега у бу кўйга тушди, деб ўйлайсиз. Чунки қуруқ туҳмат ва инсон тақдирига бефарқлик тўрт кишининг ҳаётини ўзгартириб юборди. Жарқўрғон туман прокуратурасининг масъул ходимларига бундай ноҳолислик нега керак бўлган? Улар нега бунчалик ғирром йўлни танлашган? Бундай дейишимизга сабаб шуки, шу иш туфайли Тўлқин Эрназаров севган касбидан айрилди. Иккинчидан, шаъни топталди. Қуруқ туҳматга учраганидан бир қуйса, нопок кимсаларнинг қилмишидан икки бор қуйди. Айбини исботламасдан туриб, ишдан бўшатиш, шаънини булғаш, атайлаб ноқонуний ҳибсхонага жўнатиш — булар шунчаки ишлар эмас. Уларга қўйилган айб эса юзага келган фожиани янада улканлаштиради. Мажбурий ишдан бўшатиш энг аввало, моддий ва маънавий зарар демакдир. Масъул ходимнинг ишлаб турган лавозимига нолойиқ топилиши ўша соҳа ва лавозим обрўсига қайсидир маънода путур етганидан далолатдир. Инсон шаънининг топталиши ва инсон тақдирининг бировлар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолиши масаланинг энг оғир жиҳати ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, ҳар не бўлганда ҳам туҳмат ва ноҳолислик туфайли Тўлқин Эрназаров севган ишидан ажралди. Уни энди ўз билдиргингиз асосида бўшагансиз, деб ишга қайта тиклашмаяпти. Номи ёмонотлиққа чиқиб, маънавий жиҳатдан азоб чекмоқда. Маънавий зарарнинг ўрнини энди ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Устига-устак, моддий зарарни ундириш ҳам унга осон кечаётгани йўқ. Аниқроқ айтганда, суд унга етказилган зарарни айбдорлардан эмас, вилоят молия бошқармасидан ундириш ҳақида қарор чиқарган. Бундан эса молиячилар норози. (Бу ҳақда газетанинг шу йил 7 май сонида "Ҳолвани ким ейди?" номли мақола чоп этилган.) Чунки айбни бировлар қилса-ю, нега улар қолиб, булар жавобгар бўлиши керак? Шунингдек, туҳматчига жазо йўқми? Бу каби саволларга албатта жавоб топилиши лозим.

Масаланинг энг муҳим жиҳати ҳам шу!

Холли НОРБОЕВ,
журналист

Falsafa va qonun

ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ САБАБЛАРИ

Дунё шундай яралганки, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик инсонга ҳамиша йўлдош. Шу боис азалазалдан одам боласининг нега ёвузликка қўл уришини билишга қизиқиш доимий диққат-эътиборда бўлган.

Инсоннинг жиноятчилик йўлига кириши сабабларини топиш ва унинг олдини олишга қаратилган изланишларнинг тарихи асосан Европа давлатларига бориб тақалади. Чунки ўтган асрларда жиноятчилик айрим Европа давлатларида кўплаб содир этилган ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларга жиддий равишда хавф солган бир пайтда Марказий Осиё, хусусан, диёримизда жиноятчилик шариат қоидалари асосида киши тақдири билан боғлиқ, деб талқин этилган. Қолаверса, бу ерда жиноятчилик аҳён-аҳёнда содир этиладиган ҳодиса бўлиб, жамият учун бирон-бир жиддий хавф туғдирмаган. Шунинг учун ҳам бу ҳақда гап кетганда, кўпроқ европалик сиёсатшунослар, ҳуқуқшунос ва файласуфларнинг фикрлари тилга олинади.

Масалан, қадимги давр файласуфи Афлотун (Платон) жиноятчиликнинг сабаби сифатида ғазаб, рашк, роҳат-фароғатга интилиш, адашиш, кўролмаслик каби хусусиятларни кўрсатган. Шунингдек, у жазо беришда фақат жиноятнинг хусусиятига эмас, балки айбдорнинг ниятига, жиноятни маккорлик, раҳмсизлик ёхуд ёшлик қилиб содир этганлигига аҳамият бериш лозим, деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, Афлотун жазо орқали жиноятчини поклаш ҳақида ҳам сўз юритган. Жабрланувчига келтирилган зарарни тўлаш масаласи ҳам унинг эътиборидан четда қолмаган.

Яна бир юнон файласуфи Арасту (Аристотел) эса жиноятчиликка давлатдаги тартибсизликлар, ўғирланган мулкни яширишнинг осонлиги, муҳтожлик, камбағаллик, очкўзлик, жабрланувчиларнинг қўрққанлиги ёки хоҳламаслиги туфайли жиноят тўғрисида шикоят билан мурожаат қилмаслиги, жазонинг юмшоқлиги, судьяларнинг билимсизлиги сабаб бўлади, деган мулоҳаза билдирган.

Шунингдек, у жазо тайинлашда жиноятнинг олдиндан режалаштирилган ёки тасодифан содир этилганлиги эътиборга олиниши лозимлигини уқтирган. Арастунинг жиноят содир қилиш мақсади бўлмаган, аммо жабрланувчининг ҳаракатлари туфайли содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш борасида билдирган фикрлари ҳам эътиборга молик.

Жиноятчилик ҳақида сўз юритган яна бир машҳур файласуф Монтескье жиноятчиликнинг асосий сабаби деб бузуқ ахлоқни кўрсатган. Шу боис у давлат кишиларида энг яхши ахлоқни шакллантиришга аҳамият бериш зарурлигини таъкидлаган. У жиноятларни таснифлаб, жазо жиноятнинг оғирлик даражасига қараб тайинланишини ёқлаган.

Жиноят ва жазо ҳақида махсус китоб ёзган олим эса Цезаре Беккариа ҳисобланади. Унинг "Жиноятчилар ва жазолар ҳақида" деган китоби 1764 йилда чоп этилган. Беккариа жиноятчиликнинг олдини олишда жазолашга жиддий аҳамият бериш лозим, деган ғояни илгари сурган. «Жазо жиноят содир этишнинг олдини олувчи ички омилга айланади. Аммо бунинг учун жазо расмий, ошкора бўлиши, дарҳол қўлланилиши ва қилмишга мос келиши керак, жиноят учун жазолангандан кўра унинг олдини олган яхшидир, яхши қонунчининг мақсади ана шундай бўлиши керак» деб ёзган у ўз асарида. Немис файласуфи Гегель эса жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳаётнинг салбий томони деб уқтирган. Унинг фикрича, айбдорни жазолаш жамият учунгина эмас, балки жиноятчи учун ҳам фойдалидир.

Кейинчалик шундай фикрлар ҳам юзага келдики, булар туғма жиноятчилар ҳақидаги назария билан боғлиқдир. Бундай назариянинг асосчиларидан бири Италия турмаларининг руҳшунос врачи, профессор Цезарь Ломброз эди. У "жиноятчилар жиноятчи бўлиб туғилади", деган ғояни илгари сурган. Ломбрознинг фикрича, жиноят биологик ҳодиса ҳисобланади. Шу боис жиноятчи инсондан туғилаётган фарзандлар ҳам жиноятчидир. У "Жиноят сабаблари ва даволаш воситалари" номли асарида ана шундай туғма жиноятчилик хусусида сўз юритган. Ломбрознинг ушбу назарияси кейинчалик фашизм даврида давлат сиёсатига айланди. Йиллар ўтган сари турли хил оқим олимлари жиноятнинг илдизи қаерда эканлиги борасида ўзларининг фикрларини илгари сура бошладилар. Хусусан, Рим шаҳри кассация судининг прокурори барон Р. Гарафало 1890 йили нашрдан чиққан китобини "Криминалогия" деб атади. У ушбу китобида жиноятнинг келиб чиқишига қашшоқлик ва камбағаллик сабабчи деб таъкидлайди.

Шунга қарамай, жиноятчилик ва унинг сабабларини ўрганишга ҳаракат қилган биринчи олим Цезаре Беккариа ҳисобланади. Чунки унинг "Жиноятлар ва жазолар ҳақида" (1764) китоби асосида 1800 йилда Англияда Жиноят Кодекси ишлаб чиқилди. Бу эса бошқа Европа мамлакатларида ҳам Жиноят Кодексининг жорий этилишига сабаб бўлди.

Ҳозирги пайтда ҳуқуқшунослик фанида жиноятчилик жамият вакиллари учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва ўзгарувчан хавфли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса деб талқин этилади. Шунингдек, ҳозирда кўплаб жиноятларнинг ўзига хос индивидиал сабаблари аниқланган. Ижтимоий онг, ақл-идрок, тафаккур, ирода, сабр-тоқат каби хислатларнинг доимий равишда ўзгариб туриши жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши тадқиқотларда ўз исботини топган.

Бундан ташқари, жиноятчиликнинг сабабларини ташқи муҳитдан ҳам қидириш лозимдир. Чунки ижтимоий муҳит ўз навбатида шахсдаги айрим хусусиятларнинг шаклланишигина эмас, балки инсоннинг шахс сифатида шаклланишини ҳам ифодалайди. Зеро, инсон ижтимоий муҳитда яшар экан, ўз эҳтиёжларининг тамоман қаноатлантирилганини ҳис қилмайди. Бу эса айрим одамларнинг ножўя хатти-ҳаракатлар, яъни жиноят содир қилишига сабаб бўлади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, жиноятнинг туб сабаблари жамият ёхуд оиладаги носоғлом муҳитга бориб тақалади. Бу эса инсон ва жамиятнинг бир бутун эканидан далолатдир.

Саломат НИЁЗОВА,
тадқиқотчи

Savol va saboq

ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

Маълумки, эҳтиёж ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Балки аввал заруриятт туғилади, сўнг эса, эҳтиёж дунёга келади.

Биз аввалги мақолаларимизда "ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?" деган саволни ўртага ташлаганмиз ва имкон қадар бу саволга жавоб топишга ҳаракат қилганмиз.

Келинг, бугун ҳам мавзуни давом эттириб, мазкур саволга газетхонларимиз билан биргаликда жавоб излаб кўрайлик. Мана, биринчи мактуб. Уни бизга Андижон вилояти Балиқчи тумани Бобур номидаги ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Тоҳир Дўсматов йўллаган:

"Балиқчи туман ҳокимининг 1999 йил 27 декабрдаги № 689-К сонли қарорига асосан Бобур номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви билан келишган ҳолда "Одилбек" деҳқон-фермер хўжалиги ташкил қилган эдим. Аввалига ҳамма ишларим жуда силлиқ кетаётгандек эди. Фақат гап деҳқон-фермер хўжалигимизга ер ажратишга келганда, кутилмаган тўсиқлар пайдо бўла бошлади.

2000 йилнинг феврал ойида деҳқон-фермер хўжалигим йўлига ноқонуний тўсиқлар қўйилаётгани ҳақида туман прокурорига ёзма равишда ариза бердим. Туман прокуратураси ходимлари аризам асосида текширув ўтказиб, 2000 йилнинг 17 апрелида қўлимга ҳал қилув қарори беришди. Ҳал қилув қарорига кўра, Бобур ширкат хўжалиги менга керакли ер майдонини ажратиб берди. Шу билан саргардонлигимга чек қўйилди, деб хурсанд бўлган эдим. Афсуски, эрта хурсанд бўлган эканман. Орадан йигирма кун ўтиб, туман ҳокимининг оғзаки буйруғи билан менинг деҳқон-фермер хўжалигимга ажратилган ерни қайтариб олиб қўйишди.

Яна идорама-идора сарсонгарчилигим бошланди. Ниҳоят, 2001 йилнинг феврал ойига келиб, Андижон вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилдим. Адлия ходимлари аризамни ўрганиб чиқиб, амалдаги қонунлар бузилганлиги, мансабдор шахслар ўз эгаллаб турган вазифаларини суъистемол қилганликлари аниқланиб, 13 сентябрда ишни Избоскан туманлараро фуқаролик судига оширишди. 2001 йил 18 октябрда Фуқаролик судининг ширкат хўжалигидан менинг фойдамга 92.000 минг сўм моддий ва 69.600 сўм маънавий зарарни ундириш ҳамда "Одилбек" деҳқон-фермер хўжалигига ер майдони ажратиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқди. Ушбу қарорни ижро қилиш туман суди ижрочилари зиммасига юклатилди.

Шикоят хатини ўқиётиб, "Хўп, ҳақиқат қарор топибди-ку. Бу фермер яна нега таҳририят ходимларини вақтини олаяпти", деб ўйлаётгандирсиз. Аввалига мен ҳам ҳечдан кўра, кеч бўлсаям адолат тантана қилдику, деб ўйлагандим. Афсуски, бу гал ҳам хато қилган эканман. Туман ва ширкат хўжалиги раҳбарлари бу сафар ҳам на туман судининг ҳал қилув қароридаги моддий ва маънавий зарарни тўлашди. На ер беришди.

Ҳаққимни талаб қилсам, ширкат хўжалиги раҳбарлари вилоят фуқаролик судига кассация шикояти берилганини маълум қилишди. Ва, ниҳоят, 2002 йилнинг 14 февралида вилоят суди ҳам туман судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш тўғрисида қарор чиқарди. Буни қарангки, мазкур қарордан сўнг ҳам мен на ер майдонига эга бўлдим, на тўрачилик оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни олдим.

Маслаҳат берсангизлар, энди қаерга мурожаат қилай?.."

Мана, ҳурматли газетхон, бир шикоят мазмуни билан танишдингиз. Хўш, сиз бизнинг ўрнимизда бўлганингизда шикоятчига нима деб маслаҳат берган бўлардингиз? У энди қандай йўл тутиши керак? Судга мурожаат қилган, суд ҳам ишга қонуний нуқтаи назардан қараб, ҳал қилув қарорини чиқарган. Кассация тартибида ёзилган шикоятга вилоят суди ҳам ўз муносабатини билдирган.

Бир сўз билан айтганда, ечимини топмаган масаланинг ўзи йўқдек. Ҳуқуқи поймол этилган фермер қонун ҳимоясига олинди. Суд унга ер ажратиш тўғрисида адолатли қарор чиқарди. Лекин негадир туман ва ширкат хўжалиги раҳбарлари суд қарорини менсишмади. Демак, қарор ижросиз, фермер эса ерсиз қолди.

Балиқчи тумани раҳбарлари мамлакатимиз қонунларига шунчалик беписанд қарашларини нима билан изоҳлаш мумкин? Агар улар амалдаги қонунларимизга беписанд қарашмаганида, судларнинг ҳал қилув қарорлари амалий ижросини таъминлаган бўлишмасмиди?..

Энди Андижон вилоятидан келган такрорий шикоят хатига эътиборингизни қаратиш ниятидамиз. Мазкур шикоят хатини бизга Бўз тумани, Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигида яшовчи "Мўйдинов Тожиддин" фермер хўжалиги раҳбари Тожиддин Мўйдинов ва "Давлат" фермер хўжалиги раҳбари Расулжон Қурбонов йўллашган:

"Ҳурматли таҳририят ходимлари, — деб ёзишади шикоят хати муаллифлари. — Бизнинг шикоятимиз юзасидан газетангизнинг шу йил 30 апрел сонида "Адолат яримта бўлмайди" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Афсуски, мақола чиққандан сўнг ҳам ишимизда бирор-бир ўзгариш бўлмади..."

Мазкур шикоят хатини қисқароқ қилиб, ўқувчиларимизга мухбиримиз Илҳомжон Эгамназаровнинг "Журналист суриштируви" рукни остида чоп этилган "Адолат яримта бўлмайди" сарлавҳали мақоласини эслатиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Бу мақола бевосита юқорида исм-шарифлари зикр этилган фермер хўжалиги раҳбарларининг газетамизга ёзган шикоят хатларини ўрганиш жараёнида тайёрланган. Таъкидлаб ўтиш керакки, журналист ўрганилаётган мавзуга жиддий ва холисона ёндашган.

Келинг, энди мақоладан кўчирма келтирайлик:

"...Мўйдинов Тожиддин" фермер хўжалиги Бўз тумани ҳокимлигининг 1993 йил 29 апрелдаги қарорига асосан ташкил этилган ва унга қонуний асосларда ўн йил муддатга 7,2 гектар ер майдони ижарага берилган. "Давлат" фермер хўжалиги ҳам туман ҳокимлигининг 1994 йил 7 апрелдаги қарорига асосан ташкил этилган ва у ҳам қонуний асосларда 9,6 гектар ерни ижарага олган...

... Бўз туман ҳокимининг 1995 йил 25 майдаги 171-К сонли қарори билан бир неча фермер хўжаликлари қаторида "Мўйдинов Тожиддин" ва "Давлат"фермер хўжаликлари фаолияти тўхтатилди, ижарага берилган ер олиб қўйилган.

Айни ўша палладан қарийб олти йилга чўзилган сарсон-саргардончилик бошланди.

Ниҳоят, 2001 йил 15 мартда Андижон вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимининг қарори ҳақиқий эмас, деб топилди.

Бундан норози бўлган жавобгар томон — Бўз туман ҳокимлиги апелляция шикояти берди. Ишни қайта кўриб чиққан вилоят хўжалик суди апелляция инстанциясининг 2001 йил 25 апрелда қабул қилган қарори билан апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан, ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолди.

Бироқ Бўз тумани ҳокимлиги вилоят хўжалик судининг қарорларини бажармади. Даъвогарлар судга ариза билан мурожаат қилишди. Хўжалик судининг судьялари И. Далимов, С. Нурмуҳаммедоваларнинг огоҳлантириш хатлари, туман ҳокими билан учрашиб, қонуний тушунтиришлари бекор кетди, барибир, суд қарори бажарилмади.

Бунинг ўрнига туман ҳокимлиги Республика Олий хўжалик судига шикоят ёзди. 2001 йил 20 ноябр куни Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъати К. Убайдуллаев раислигида, ҳайъат аъзолари К. Синдоров ва И. Акортаевлардан иборат таркибда, Республика бош прокурори ёрдамчиси А. Қодиров иштирокида вилоят хўжалик суди ҳужжатларининг қонунийлиги кўриб чиқилди. Андижон вилоят хўжалик судининг қарорлари ўзгаришсиз, жавобгарнинг кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш лозим деб топилди..."

Мақоланинг мағзи мана шундан иборат. Бугун ҳаммамиз яхши биламиз. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари фаолиятига иқтисодиётимиз таянчи, фаровонлигимиз манбаи, деб қаралаётир. Бу борадаги ҳар бир саъй-ҳаракат, ташаббус ва фидоийлик ҳукуматимиз томонидан амалдаги қонунларимизга асосан қўллаб-қувватланмоқда. Шундай экан, шикоятчиларимиз нега қайтадан таҳририятга мактуб йўллади, деган савол бизни ўйлантирмай қолмайди. Қолаверса, газетада чоп этилаётган ҳар бир мақола бежиз ёзилмайди. Битта мақола ёзиш, ундаги факт ва далилларни ўрганиш ҳар бир журналистдан билим, куч ва маҳорат талаб қилади. Бизнинг назаримизда, жойлардаги мутасаддиларнинг газеталарда чоп этилаётган танқидий чиқишларга бефарқ қараши, қонунларимизга нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланмоғи лозим. Акс ҳолда, таҳририятларга юқоридагидай такрорий шикоятлар келаверади. Умид қиламизки, бизнинг ушбу мақоламиз Бўз тумани ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарларнинг эътиборларидан четда қолмайди.

Энди Сурхондарё вилояти Денов тумани Ҳазорбоғ жамоа хўжалигининг 3-бўлимида истиқомат қилувчи, уч фарзанднинг онаси Рафоат Нарзуллаеванинг мактуби билан танишамиз:

"Мен Ҳазорбоғ жамоа хўжалигининг 3-бўлими пахта даласида оддий ишчи бўлиб ишлардим. Ҳозир уч нафар ёш фарзандим бор. Болаларимга бериладиган нафақа пулларини ололмасдан овора бўлаяпман. 2001 йил олишим керак бўлган 19.800 сўм нафақани ҳалиям ололганим йўқ. Бундан ташқари, кейинги фарзандларим учун олишим керак бўлган тўрт ойлик, яъни 2002 йилнинг январ, феврал, март, апрел ойлари учун берилиши керак бўлган 24.414 сўм нафақани ҳам ҳали беришгани йўқ. Жамоа хўжалиги кассасига пул учун борсангиз, "Денов халқ банкидан пул беришмаяпти", дейишади. Лекин йўлини қилганлар нафақа пулларини ҳар ойда олиб туришади. Илтимос, болаларимнинг нафақа пулларини олишимда ёрдам берсангизлар."

Истиқлол йилларида оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун мамлакат миқёсида улкан ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, Деновда юқоридагидай ҳолат юзага келишини, албатта, оқлаб бўлмайди. Ўйлаймизки, туманда соҳага мутасадди бўлган раҳбарлар фарзандларининг қонуний нафақаларини олишга қийналаётган деновлик оналарнинг арзини эътиборсиз қолдиришмайди...

Биз демократик-ҳуқуқий давлат қураётганимиз ҳақида кўп гапирамиз. Дарҳақиқат, шундай. Лекин демократик ҳуқуқий давлатнинг фуқаролари, энг аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари ва уни ҳимоя қилишлари кераклигини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Агар инсон ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқини билса, уни талаб қилса, ҳеч қачон панд емайди. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мактубларда, айнан, қонунни билмасликлари оқибатида овораи сарсон бўлиб юрган юртдошларимизнинг дардларига шерик бўласиз.

Хоразм вилоятининг Гурлан тумани Гулистон кўчаси 1-уйда истиқомат қилувчи А. Бердиёзова шундай ёзади:

"Ёшим 55 да, беш фарзанднинг онасиман. Маълумотим олий. Ҳозирда нафақадаман. Сизларга мактуб йўллашимдан мақсад, ўтган йилги деҳқончилигимиз маҳсули бўлган 19 тонна сабзини сотиш мақсадида Тошкентга олиб борган эдик. "Фарҳод" бозорида бизнинг маҳсулотимизни Баҳром Тўхтабоев исм шарифли шахс ҳар килосини 25 сўмдан кўтарасига харид қилди. Бу воқеа 2001 йилнинг 23 ноябрида юз берган эди. Харидоримиз қўлимизга 25000 сўм бериб, қолганини ўзим етказаман, деб ваъда берди. Биз у кишининг лафзига ишониб Хоразмга қайтиб кетдик. Мана яқин бир йилдирки пулимизни ололмай овора бўлиб юрибмиз. Илтимос, ёрдам берсангизлар".

Энди иккинчи хатга эътибор беринг. Ушбу мактубни бизга Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани 33-уй, 11-хонадонда яшовчи Зиё Ҳамдамов йўллаган:

"Туманимизда яшовчи аввалдан менга таниш бўлган Сафар Саматов деган кимса мени чув тушириб кетди. Пулим борлигини билиб, укаси Шермамат Саматов номига хусусийлаштирилган ёзги кинотеатрни 3 киши гувоҳлигида менга тилхат билан бериб, 300 минг сўм пулимни олди. 2000 йилнинг 25 сентябрида ўзи Россиянинг қайсидир шаҳрига кетиб қолган. Укаси эса акасининг тилхатини тан олмаяпти. Нима, мен пулимга куйиб қолавераманми?"

Ҳар иккала мактубга эътибор беринг. Газетхонларимиз қонунларни билмасликлари оқибатида ўз пулларига куйиб қолишган. Агар Хоразмдай жойдан пойтахтга сабзи олиб келган шикоятчимиз, уни бозорда биринчи кўриб турган одамига тилхат билан бериб кетавермаганида эди, бугун бундай овора-ю сарсон бўлиб юрмаган бўларди. Сурхондарёлик муштарий ҳам танишига нотариус орқали шартнома тузиб пул берганида ёки ўша кинотеатрни қонун асосида, гаров шартномаси тузиб ҳужжатлаштирганида эди, бугун бизга шикоят йўллаб ўтирмаган бўларди. Хўш, энди уларга қандай ёрдам бериш мумкин? Бу саволни ҳозирча очиқ қолдиришимизга тўғри келади.

Энди яна мақоламиз бошидаги саволга қайтсак, қани айтингчи, азиз муштарий, одамлар нега шикоят ёзадилар?..

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Yangilik

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР КЎЗГУСИ



"Ҳаёт ва қонун" журналининг 2002 йилдаги иккинчи сони босмадан чиқди. Журналнинг ушбу сони "Парламент ислоҳоти: Ўзбек модели" деб номланган давра суҳбати билан очилган. Суҳбатда Олий Мажлиснинг қўмиталари раислари А.Турсунов, А.Саидов, И.Собиров ҳамда таниқли ҳуқуқшунос олимлар иштирок этиб, парламентни ислоҳ қилишнинг ижтимоий заруратини, уни шакллантириш жараёни, икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат ва ҳуқуқнинг ривожи ва унинг мамлакат истиқболига таъсири ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришган.

Юридик фанлари доктори, профессор Ш.Шораҳметовнинг "Қонун ижодкорлиги" сарлавҳали мақоласида суд ислоҳотлари жараёни, жумладан, судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг фаолияти чуқур таҳлил қилингани билан диққатни тортади.

Бундан ташқари "Илмий-амалий конференция" рукни остида Адлия вазирлигида ўтказилган "Божхона қонунчилиги такомиллашмоқда" ҳамда "Банк ва кредитлаштириш қонунчилиги муаммолари" мавзуидаги Республика илмий-амалий конференциялар хулосалари чоп этилиб, шу соҳаларга оид қонунчилик жараёни ва уни такомиллаштириш борасидаги бир қанча фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилган. Муаллиф У.Аюбовнинг "Ер бериш тартиби"деб номланган мақоласини ўқир экансиз, мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва фермерлик ҳаракатини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари қай тарзда мустаҳкамланиб бораётгани ўқувчини қизиқтириши табиий. Шу билан бирга, С.Одилхўжаеванинг "Либерализм ғоясининг ривожланиш босқичлари", М.Ҳамидованинг "Ювенал юстициянинг тарихий йўли", тадқиқотчи Ш.Ғанибоеванинг "Буюк эркинлик хартияси", Ж.Холмўминовнинг "Тадбиркорлик ва экология" ва М.Усмоновнинг "Экология қонунчилиги муаммолари" каби мақолалари ҳам эътибордан четда қолмаслигига ишонамиз.

Адлия вазирлиги томонидан қонунчиликни такомиллаштириш, қонунлар ижроси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорларни ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш юзасидан кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқдаки, журналнинг ушбу сонида бу ишлар имкон қадар ёритилган.

Журнал рангли муқовада босилган бўлиб, бадиий безаги, ранглар жилоси мақолаларнинг мазмуни билан ўзига хос тарзда уйғунлаштирилгани ҳам ушбу сонда яққол кўзга ташланади.

Азизбек ИСОҚОВ

Mitti maslahat

ВАФОТ ЭТГАНЛИК ҲОЛАТИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

Оила Кодексининг 225-моддасига кўра, ўлимни қайд этиш учун, аввало, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идорасига ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тақдим этилади. Агар тиббий гувоҳномани тақдим этиш имконияти бўлмаган тақдирда бу масала суд тартибида кўриб чиқилади. Бу ҳолатда судга мурожаат қилаётган шахс фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи идоранинг вафот этганликни рўйхатга олишни рад қилгани ҳақидаги ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Агар шахснинг маълум вақт ва маълум ҳолатда вафот этганини тасдиқловчи ишончли далиллар мавжуд бўлса, Фуқаролик процессуал Кодексининг 283-моддаси 10-бандига асосан суд вафот этганлик фактини белгилайди.

Олий суд Пленумининг "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 20-бандига мувофиқ суд вафот этганлик фактини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорига ўлимни вужудга келтирган аниқ ҳолатларни кўрсатади ва вафот этган кунини аниқ белгилайди. Ҳал қилув қарори қарор чиқарган суд жойлашган ҳудуддаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идорасида вафот этганликни рўйхатдан ўтказиш йўли билан ижро қилинади.

Бугунги кунда баъзан судларда вафот этганлик факти билан фуқарони вафот этган деб эълон қилишликни бир-биридан фарқламасдан нотўғри ҳал қилув қарорлари қабул қилиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Таъкидлаб ўтилган Олий суд Пленуми бу ҳолатга ҳам аниқ ўз ечимини белгилаган. Жумладан, агарда шахснинг вафот этгани тахмин қилинганда, шунингдек, вафот этганлик фактини тасдиқлайдиган далиллар бўлмаганда, шахс ФПКнинг 286-289-моддалари тартибида вафот этган деб эълон қилиниши мумкин.

ШАЙТОН ҚУТҚУСИ

У ЖОҲИЛ КИМСАЛАРНИ ТУБАНЛИК САРИ ЕТАКЛАЙДИ

МУКАДДИМА: 2002 йилнинг январ ойида "Қаршиёғмой" ОТҲЖ нинг раиси Раҳматилла Ўроқов Тошкент вилоятидаги санаторияларлардан бирига даволаниш учун келиб, феврал ойи бошларида сирли тарзда йўқолиб қолди. Орадан бир ойга яқин вақт ўтса-да, Раҳматилладан дом-дарак бўлмади. Бу кезлари Раҳматилланинг энг яқин дўсти Анвар унинг уйига келишни сира канда қилгани йўқ. Раҳматиллани қидириш учун тинмай елиб-югураётгандек кўринаётган Анвардан ҳамма хурсанд эди. Дўст кулфатда билинади, деганлари шу-да! Йўқса, шу қадар жон куйдирармиди?! Шу алфозда Анвар "Раҳматилла нимадандир чўчиб, аллақаёққа қочиб кетган бўлиши мумкин", деган тахминни зўр бериб атрофдагиларга тушунтиришга ҳаракат қила бошлади. Бу тахминни унинг акалари ҳам маъқуллашди. Бироқ Раҳматилланинг отаси бунга ишонмади — у ўғлининг ҳеч қачон бундай қилмаслигини яхши биларди.

Анвар эса сира қидиришдан толмаётган эди. Бунга асос ҳам бордай эди. Чунки кейинги йилларда Раҳматилла барча сир-асрорларини фақат унгагина ишонар, ҳар қандай тадбири усиз ўтмайдиган бўлиб қолган эди. Раҳматилланинг атрофида парвонадай гирдикапалак бўлиб юрган Анвар унинг йўқолганидан гўё қаттиқ азият чекаётгандек эди. Шу боис унинг заводга бориб, фаррошдан Раҳматилла ўтирадиган хонанинг калитини сўрагани ҳеч кимда шубҳа уйғотмади. Тўғри-да, шунчалик куйиб-пишиб, ҳаракат қилиб юрибди, гумону шубҳага не ҳожат бор... Қидирувга астойдил киришган Анвар ўзини кинодагидек ҳис қила бошлади. Ўзига яқин одамни ўртага қўйиб, бир нотаниш кишига "агар феврал ойининг бошларида Раҳматилла машинанинг ёнида сигарет чекиб турганини кўргандим десанг, 50 минг сўм пул бераман", деб таклиф қилади. Бу билан ўзи ўйнаётган ролни янада мураккаблаштирмоқчи, вазиятга ўйин тусни бериб, изни чувалатмоқчи эди. Лекин шу ўринда у адашган эди. Виждон, адолат, одамийлик деган фазилатларни унутмаган инсон Анварнинг таклифини рад қилади ва унга нисбатан туғилган шубҳа-гумонини Раҳматилланинг қариндошларига айтади. Натижада Анварни заводга чақиришиб, қилган қилиғининг сабабини билишмоқчи бўлишади.

Анвар олиб кирилган хонадаги телефон бошқа жойга уланган эди. Бундан бехабар бўлган Анвар кучли руҳий ҳаяжон натижасида беихтиёр кимларгадир телефон қилиб, ёрдам сўрай бошлайди. Унинг гапларини гувоҳлар қўшни хонада эшитиб туришган эди. Шу тарика Анвар қўлга тушади.

КОТИЛНИНГ ИҚРОРИ: Анварнинг айтишича, у Раҳматилла Ўроқов билан укаси Акбар орқали танишган. Шундан сўнг иккови қалин оғайни, сирдош дўст ва ҳамфикр шерик бўлишган. Раҳматилланинг ишончини шу қадар қозонганки, у отаси ва ака-укаларига айтмаган сирларини Анварга ёрилган. Қолаверса, тижорат ва иш жараёнида ҳам унга қаттиқ суянган. 2000 йилнинг январ ойи ўрталарида Раҳматилла укаси Акбар билан Тошкент вилоятидаги "Семург" санаториясига дам олишга кетганидан сўнг орадан бир неча кун ўтиб, у Раҳматилланинг отасини ёнига олиб, санаторияга боради. 1 феврал куни эрталаб "Хумоюн" хусусий фирмасига борганда, фирма таъминотчиси унга Тошкентдан Раҳматилла Ўроқов телефон орқали тезда ўзига қўнғироқ қилиши лозимлигини тайинлаганини айтади. Шундан сўнг у Раҳматиллага телефон қилган. Анварнинг айтишича, телефонда Раҳматилла унга нега хотинимга кўз олайтиряпсан, деб дағдаға қилган ва тезда Тошкентга етиб келишни сўраган. Шу боис Анвар ўзига тегишли "Нексия" русумли машинада дарҳол йўлга отланган ва шу куни соат икки яримларда Тошкентга етиб борган. Раҳматилла машинага ўтириб унга "Қашқадарёга ҳайда" деб айтган. Машина Самарқанд шаҳрига яқинлашганда Раҳматилла Анварга "буёғига ўзим ҳайдайман" деган ва машинани ўзи бошқариб, Самарқанд шаҳрининг тор кўчаларидан бирида жойлашган уйнинг олдига бориб тўхтаган ва шу ердан латтага ўралган узун нарсани машина юкхонасига солиб қўйган. Самарқанд шаҳридан чиқаверишда машина рулини яна Анварга берган. Улар тахминан кечқурун соат саккизларда Яккабоғ туманига кириб боришади. Анварнинг уйига яқинлашганларида Раҳматилла машинани тўхтатишни буюрган ва машина тўхтаган, унга орқа тарафига ўтиб, юкхонани очишни сўраган. Шунда Раҳматилла машина юкхонасида латтага ўроғлиқ "Тоз-17" русумли милтиқни қўлига олиб, уни Анварга қарата ўқталган кўйи хотини масаласида гап бошлаган. Ўртада жанжал чиқиб, милтиқ отилиб кетади ва Раҳматиллага ўқ тегиб, унинг жони узилади. Анвар эса жасадни машинага солиб, фермахонасига олиб боради. Фермахонада Раҳматилланинг жасадини мол сўядиган қушхонага судраб олиб бориб, мурданинг кийимларини ечиб олган. Сўнг ошхонадан рўзғорда ишлатиладиган болтачани олиб келган... Бу ишларни у ўн беш минут ичида бажарган. Қопларни машинага ортиб, Чироқчи тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Қашқадарё дарёси устига қурилган кўприк ёнига борган. Шу ерда у халталардаги жасад бўлакларини сувга ташлаб юборган. Уйига қайтгач, милтиқнинг қўндоғини уриб синдириб, унинг ствол қисмини газетага ўраб қўйган ва қайниукаси Самадилло Нарзиевни телефон орқали уйига чақириб, уни бирор жойга кўмиб ташлашни буюрган. Қайниукаси кетгач, фермахонада машинасини яхшилаб ювган. Кейин эса ўзининг ва марҳумнинг кийимларини ўчоққа солиб ёқиб юборган. Эрталаб машинани яна кўздан кечириб, қайниукаси ва ҳайдовчисига машинанинг орқа ўриндиғига Тошкентда қўй гўштини ортганимда қон юқи тегибди, шуни ювиб ташланглар деган ва улар буйруқни бажаришган. Орадан уч кун ўтгач, "Раҳматилла йўқолиб қолибди" деган гап тарқатган...

Судланувчи Анвар Бекмуродовнинг дастлабки терговда берган кўрсатмасига биноан Қашқадарё дарёсидан одам танаси бўлаклари топилди ва улар экспертизадан ўтказилганда, Раҳматилла Ўроқовга тегишли экани маълум бўлди. Шунингдек, унинг машинаси ўриндиғидаги қон доғлари ҳам марҳумники экани аниқланди. Анвар Бекмуродовнинг қайниукаси Самадилла Нарзиев поччаси берган милтиқ бўлакларини кўмиб ташлаган жойидан топиб берди.

МУЛОҲАЗА: ушбу мудҳиш қотилликнинг содир этилиши шу ҳолатга яқинроқ тарзда кечган. Чунки ўтказилган текширувлар чоғида Анварга тегишли машинанинг орқа ўриндиғида қон доғи топилди ва экспертиза қилинганда, улар Раҳматилланики экани аниқланди.

Бироқ Анварнинг аввалига қотилликни тан олиб, барча ҳолатларни кўрсатиб бергани, судда эса адолатли жазодан қочиш мақсадида минг хил найрангларни тўқий бошлагани ғоят ажабланарлидир. Унинг гапига қараганда, кимлардир Раҳматиллани яшириб қўйганмиш-у, унинг эвазига Анвардан 70 минг АҚШ доллари талаб қилганмиш. Табиий савол туғилади: ўша кимсалар нега Раҳматилланинг яқинлари, отаси қолиб айнан Анвардан пул талаб қилади? Хўп, шундай бўлган бўлса, нега Раҳматилланинг қон доғлари унинг машинасидан топилади? Нега у Раҳматилланинг жасади қаерда эканини билмаса, у кўрсатган жойдан одам жасадининг бўлаклари топилади ва экспертизада улар Раҳматиллага тегишли эканлиги аниқланади?

Шунга ўхшаш кўп саволлар пайдо бўлдики, суд жараёнида Анвар уларнинг бирортасига ҳам жавоб беролмади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, судьяларнинг фидокорона саъй-ҳаракатлари туфайли адолат қарор топиб, жиноятчи ўз жазосини олди. Бироқ шу ўринда бир қанча саволлар табиий равишда юзага келадики, уларни айтиб ўтмаслик ва уларга жавоб изламаслик адолатдан эмас.

Дастлабки савол шундан иборатки, ушбу мудҳиш жиноятнинг содир этилишига асосий сабаб нима? Нима учун Анвар бундай ваҳшийликка қўл урди? Анвар айтаётган важ — рашк туфайли иш шу даражага етиши мумкинми? Агар Анварнинг "Қаршиёғмой" заводидан ҳар доим катта миқдорда юк олиб турганини эътиборга оладиган бўлсак, ўртага моддий манфаатдорлик масалалари аралашмадимикин?

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор бериш лозим. Гувоҳларнинг кўрсатмасича, 2000 йилнинг 1 феврал куни Анвар туш пайти Қашқадарёда бўлган. Судда эса у «бу пайтда Тошкентда эдим», деб кўрсатма берган. Шу куни соат 19.21 да Раҳматилла қўл телефони орқали Тошкентга — ўғилларига қўнғироқ қилган. Улар гаплашаётганда алоқа узилиб қолган. Орадан тўрт соат ўтиб, Анвар қайинукасини телефон орқали уйига чақириб, Раҳматилла отилган милтиқнинг нилини каналга ташлаб юбориш учун берган. Тўрт соат ичида Самарқанддан Яккабоққа етиб келиш, жанжаллашиш ва ниҳоят бир кишини ўлдириб, уни қушхонада майдалаб, иккита қопга тиқиш, уларни дарёга ташлаб қайтиш, милтиқни синдириш, қайинукасини чақириб, нилини бериб юборишга улгуриш мумкинми?

ХУЛОСА: яқинда мазкур мудҳиш қотилликнинг содир этилганига ҳам икки йил тўлди. Бир қарашда жиноятчи олий жазога ҳукм қилиниб, адолат қарор топгандай. Лекин қабиҳликнинг чегараси йўқ экан. Гап шундаки, жиноятчи икки марта апелляция шикояти ёзиб, ўзига берилган жазонинг ўзгартирилишини талаб қилган. 2001 йил 21 августда жиноий ишлари бўйича Навоий вилояти судининг апелляция судлов ҳайъати 2002 йилнинг 4 март куни Самарқанд вилояти жиноий ишлари бўйича судининг апелляция судлов ҳайъати, ушбу шикоятларни кўриб чиқиб, уларни қаноатлантирмади ва ҳукмни ўз кучида қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди. Қилни қирқ ёрадиган судялар адолатнинг барҳақ эканини исботлашди.

Мазкур мақолани ёзишимизга сабаб қуйидагича: ўзига қаттиқ ишонган, сирдош бўлган инсонни ваҳшийларча яшашдан маҳрум қилган кимса ортидан зор-қақшаб қолган юзлаб кишилар чекиши мумкин бўлган азият билан бир пуллик иши йўғ-у ўзининг тўрт девор орасидаги машаққатли ҳаётни бир кунга бўлса-да, чўзиш учун ҳар нарсага тайёр. Ўзининг бир-икки кунлик ортиқча яшаши учун кишиларни сарсон қилиб шаҳарма-шаҳар кезиб юриши, юзлаб инсонларнинг эски яраларини тирналиб, бир азоби минг бўлишини ўйламаётган кимса маънавий жиноятга қўл урмоқда.

— Ота учун азиз фарзандини йўқотишдан оғир дард йўқ, — дейди биз билан суҳбатда бўлган Раҳматилла Ўроқовнинг отаси Миршариф ота. — Бунга чидаш, дош бериш қийин. Бироқ қотилнинг аҳмоқона важлари билан юзлаб одамларни сарсон қилиб юрганига чидаш бундан-да, оғир кечяпти. Суднинг ҳар бир йиғилиши менинг ярамни қайта тирнайди.

Дарҳақиқат, жиноят содир этиш ҳудуди катталиги боис ҳар бир суд йиғилишига турли жойлардан юзлаб гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар чақирилди. Бу йиғилишлар учун сарфланган моддий ва маънавий зарар ким томонидан қопланиши қотилни қизиқтирмади. Бу тубан кимса жаҳолат сари бораётганини, энди маънавий жиноятга қўл ураётганини асло сезмайди. Майли, бу масаланинг маънавий жиҳати. Лекин бу ўринда киши кўнглидан шундай мулоҳазалар ўтиши шубҳасиз.

Ўйлаб кўрилса, инсон ҳаёти унчалик ҳам узун фурсат эмас. Абадият олдида киприк қоққулик вақт ҳисобланмиш синов даврида одам эзгулик ва ёвузлик курашига гувоҳ бўлади. Шайтон измига бўйсунганлар, унинг қутқусига учганлар жаҳолатга юз тутади. Улар икки дунё саодатини бир пулга алмаштиради. Анвар сингари жирканч ва даҳшатли қабиҳликка қўл уради. Хўш, Анвар нега ўз оғайнисининг умрига зомин бўлди? Раҳматилла қайси гуноҳи учун бундай жазога мустаҳиқ этилди? Бу каби саволларга жавоб йўқ.

Jaholat

Мақоламиз интиҳосида яна бир ҳолатни айтиб ўтишни лозим топдик: Раҳматилланинг ўзига жуда ўхшаб кетадиган тўрт яшар ўғли бор. У онасидан ҳар куни отасини сўрар, у қачон уйга келади, деб хархаша қилар экан. Чунки унга отанг шифохонада ётибди, тезда уйга келади, деб айтишган экан. Кўзларига ёш қалқиган кўйи ўз-ўзингга беихтиёр савол берасан: мўлтираб қараб турган болаларнинг маъюс нигоҳига арзирмикан бу шайтоний дунё кўргиликлари?! Жавоб бериш ғоят мушкул. Шунингдек, Анварнинг болаларига ҳам осон эмас. Чунки тавқи лаънатни кўтариб яшашдан-да ортиқ азоб йўқ.

Бу эса ёвузликнинг қўли нақадар узунлигидан далолат. Шайтон қутқуси бегуноҳ болалар қалбига ҳам бўйлашга уриниши эмасми бу? Шу боис сўзимиз якунида шундай хулосага келдик: Инсон умри синов фурсати демакдир. Шу қисқа фурсатни имкон қадар эзгуликка сарфламоқ зарур. Ҳаётда ҳеч нарса унутилмайди. Яхшидан от қолса, ёмондан дод қолади. Баён этилан воқеа бунинг исботидир. Шундай экан, қалбимиз остонасига кўз тиккан шайтонга изн бермайлик! Унинг жилвакор ва жирканч қутқусига учмайлик. Бу билан нафақат ўзимизни, балки ҳаётимиз давоми бўлмиш авлодларимизни ҳам исноддан асраб қоламиз.

Саодат ҲОШИМОВА,
журналист

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: **Бобомурод РАЙИМОВ**
Саҳифаловчи: **Жаъфар ЖАББОРОВ**
Компьютер операторлари: **Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.